БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 17 (18.195). • 21 январь 1982 йил, пойшанба • Баҳоси 3 тийин.

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

СССР 60

Совет Ўзбекистонининг коммунистлари, барча меҳнаткашлари бундан буён ҳам ленинча, коммунистларча яшайдилар, ишлайдилар ва курашадилар, Ватаннинг иқтисодий ва мудофаа қудратини, СССР халқларининг дўстлиги ва қардошлигини тинмай мустаҳкамлайдилар, ўз куч-ғайратлари ва билимларини ўн биринчи беш йиллик планларини амалга оширишга бағишлайдилар.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ XX СЪЕЗДИГА ҲИСОБОТИДАН

ЛЕНИНЧА БУЮК ИТТИФОҚ

Ўн беш қардош ва қондош республикаларнинг аҳил оиласида бахтиёр турмуш кечираётган Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг меҳнаткашлари шу қутлуғ кунларда Советларнинг I Бутуниттифоқ съезди Совет Социалистик Республикалари Иттифоқини ташкил этиш тўғрисдаги Декларация ва Шартномани қабул қилган куни — 1922 йил 30 декабрни зўр мамнуният билан эсламоқда. Зотан, СССРнинг, ташкил этилиши ўзининг сиёсий моҳияти ва социал иқтисодий оқибатлари жиҳатидан буюк мамлакатимиз таржимаи ҳолидагина эмас, балки бутун инсониятнинг ижтимоий ривожланиш тарихида ғоят муҳим ўрин олади.

Советлар мамлакатининг биринчи оқсоқоли Михаил Иванович Калинин ССР Иттифоқи ташкил этилиши арафасида бундай деган эди: «Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг янги қизил байроғи кўтарилаётганини кўриб турибмиз. Мен, ўртоқлар, бу байроқни ўртоқ Ленин қўлида кўриб турибман. Бинобарин, ўртоқлар, олга бораверайлик, жаҳондаги барча меҳнаткашлар ва мазлумлар кўра оладиган қилиб, бу байроқни баланд кўтаринг!»

Мана олтмиш йилдирки, Совет Социалистик Республикаларн Иттифоқининг бу музаффар қизил байроғи коммунистик идеалларнинг — социал адолат, тинчлик, дўстлик ва халқларнинг қардошларча ҳамкорлиги идеалларининг улуғворлигини ўзида мужассамлаштириб, мағрур ҳилпираб турибди. Бу байроқ матонатли меҳнат ва улуғ жангларда, беқиёс шодиёна кунлари ва оғир имтиҳон соатларида бизни доим бағоят руҳлантириб турди.

Коммунистик партия ва Совет давлатининг асосчиси, бутун дунё меҳнаткашларининг буюк доҳийси Владимир Ильич Ленин «Биз то охиригача интернационалистлармиз ва ҳамма миллат ишчи ва деҳқонларининг ихтиёрий иттифоқига интиламиз» деган эди. Хўш, бу иттифоқ қандай негизда вужудга келтирилиши мумкин эди? Бунга жавобан доҳий зўр башорат билан «Биз миллатларнинг ихтиёрий иттифоқини, — бир миллатнинг иккинчи миллатга ҳеч қандай зўравонлик қилишига йўл қўймайдиган иттифоқини истаймиз. Мутлақо тўла ишончга, қардошларча бирликни очиқ ва равшан тушуниб олишга, тўла ихтиёрийлик асосидаги келишувга асосланадиган иттифоқини истаймиз» деб таъкидлаганди.

Улуғ Ленининг буюк режаси бизнинг кунларимизда ўзининг бутун улуғворлиги билан тўла-тўкис рўёбга чиқди. Эндиликда социалистик миллатларнинг ягона оиласига бирлашган барча ўн беш республика иқтисодий, сиёсий ва маданий ривожланишда шундай юксакликларга эришдики, бутун жаҳон бунга қойил қолмоқда. ССР Иттифоқи ташкил этилгандан кейин ўтган йиллар мобайнида мамлакатимиз саноат маҳсулотининг умумий ҳажми 320 баравар кўпайди. Совет Ўзбекистони ҳам шу йиллар ичида таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Бир вақтлари феодализм ботқоғида ботган ўлка Совет ҳокимияти йиллари мобайнида социализм осмонига кўтарилди, эндиликда барча қардош совет халқлари билан биргаликда коммунистик жамиятнинг моддий-техника базасини қаҳрамонона меҳнатлари билан мустаҳкамлямоқдалар.

Республикамиз иқтисодий ва ижтимоий тараққиётда нақадар космик одимлар билан юксалганлигини мана бу фактлар ҳеч бир изоҳсиз кўрсатиб турибди: бундан қариб етмиш йил муқаддам, 1913 йилда ҳозирги Ўзбекистон территориясида ўрта ҳисобда 800 деҳқон хўжалигига битта от плуги тўғри келарди. Қишлоқ хўжалик маҳсулоти асосан қўл меҳнати билан етиштириларди. Чориздмдан жаҳолат ва зулматни, ана шундай ҳароб меросни қабул қилиб олган Ўзбекистон ҳозирги кунда социализмнинг Шарқдаги машъалига айланди. Ҳозир республикада саноатнинг юздан ортиқ тармоғи ишлаб турибди. Улкан химия ва машинасозлик, нефть ва энергетика, кўмир ва газ, металлургия ва электротехника, енгил саноат ва озиқ-овқат саноати, индустриянинг бошқа кўплаб тармоқлари республикамиз киёфасини белгилаб турибди. Бир вақтлари ҳатто кетмонни ҳам чет эллардан олиб келган республикамиз эндиликда ўзининг энг муҳим маҳсулотларини дунёнинг 90 дан ортиқ мамлакатига экспорт қилмоқда.

Қишлоқ хўжалигимиз беқиёс тараққий этмоқда. Биринчи беш йиллик арафасида партия Марказий Комитети мамлакатимизнинг пахта мустақиллиги ўчун кураш эълон қилганида йилига бир миллион тоннали маррани эгаллаш вазифасини қўйган эди. Ҳозир республикамизнинг ўзида ҳар йили олти миллион тоннадан ортиқ пахта етиштирилмоқда. Қишлоқ хўжалигининг ҳамма соҳалари гуркираб ривожланмоқда.

Маданий қурилиш соҳасида, халқимизнинг маънавий ҳаётида улкан ўзгаришлар юз берди. Бир вақтлари Ўрта Осиё аҳолисини саводли қилиш учун 4600 йил керак бўлади деб «донишмандлик» қилган кимсалар социалистик тузум туфайли бу марра ниҳоятда қисқа муддат ичида эгаллангаликда тилларини тишлаб қолган эдилар. Ҳозир республикамиз ёппасига саводхон республикадир. Минг-минглаб мактаблар, 43 олий ўқув юртн, 200 га яқин ўрта махсус ўқув юртн ишлаб турибди. Олимларимиз илм-фаннинг ҳамма соҳаларида жаҳон фанининг етакчи марраларида турибдилар.

Шаклан миллий, мазмунан социалистик маданиятимиз гуллаб-яшнамоқда. Ўзбек совет адабиёти кўп миллатли совет адабиётимизнинг ажралмас таркибий қисмига айланди. Халқ маорифи, соғлиқни сақлаш юксалди.

Республикамиз Совет Иттифоқидаги барча халқлар билан бир сафда туриб, нурли келажагимизни зўр ишонч билан бунёд этмоқдалар. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев республикамизнинг коммунистик бунёдкорлик ишларидаги муваффақиятларини таъкидлаб, бундай деган эди: «Партия бажарган жуда катта ишнинг, миллионлаб ишчилар ва колхозчилар, олимлар ва маданият арбоблари қилган фидокорона меҳнатнинг самароларини Ўзбекистоннинг бугунги равнақида фахрланиб кўриб турибмиз. Сизларнинг ҳашаматли шаҳарларингизни, замонавий заводларингиз ва фабрикаларингизни, эзъозлаб парвариш қилинган далаларингизни ва яшнаб турган боғларингизни кўрган кишининг кўнгли қувонади».

Худди шундай. Диёримизнинг ҳозирги воқелиги ўтмишдаги аҳволдан мутлақо ўзгариб кетганлиги, республикамиз равнақ топиб, шитоб билан олга интилаётганлиги — Коммунистик партия ленинча миллий сиёсати тантанасининг яққол далилидир.

Биз нурли тақдиримизда нималарга эришган бўлсак, буларнинг ҳаммаси буюк доҳий васиятларига оғишмай амал қилаётганлигимиз, давримизнинг ақл-идроки, шон-шарафи, вождони бўлган шонли коммунистлар партиясининг доно миллий сиёсати туфайли деб биламиз. Зотан, доҳийимиз В. И. Ленин асос солган ва революция бўронларида тоблаб чиниқтирган партия — куч-қудратимизнинг манбаи, олга томон йўлимизни ёритиб турган машъалдир.

Туркистонлик меҳнаткашларнинг вакиллари В. И. Ленин ҳузурида

Қ. Башаров чизган расм.

ЙИЛЛИК ПЛАН—МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ВА МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ОЛМАЛИҚ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИНИНГ

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Комбинат ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари КПСС XXVI съезди қарорларини амалга ошира бориб, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети 1981 йил ноябрь Пленумидаги нутқида берган кўрсатмаларига амал қилиб, СССРнинг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани авж олдириб юбордилар ва ўз зиммаларига қуйидаги социалистик мажбуриятларни қабул қиладилар:

Ишлаб чиқариш ҳажми ва маҳсулотнинг кўпчилик турларини ишлаб чиқариш юзасидан белгиланган йиллик план муддатидан илгари бажарилади, пландан ташқари 2,5 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинади. Меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг бригада формасини такомиллаштириш, бригада пудратини жорий этиш, ишчиларнинг малакасини ошириш, иш вақтидан янада оқилона фойдаланиш ҳисобига меҳнат унумдорлиги топшириққа қўшимча равишда 0,1 процент ўсиши таъминланади. Камида пландан ташқари 200 минг сўм фойда олинади.

Олтинтопган руда конида ўзиюрар юк ортиш-тушириш машиналаридан ва Қалмоққир руда конида бирламчи қуввати катта бўлган кон транспорти машина-ускуналаридан фойдаланиб, руда қазиб олишни такомиллаштириш, янги серунум «ФПМ-12,5» флотация машиналари негизида мис руделарини бойитиш технологиясини жорий қилиш, рух кокларини қайта ишлашнинг юқори ҳароратли гидрометаллургия технологиясини ўзлаштириш ҳамда кислород-факел усулда эритиш комплексида мис концентратларини эритишнинг автоген жараёнини янада такомиллаштириш соҳасидаги ишлар давом эттирилади. Янги техника ва технологияга оид тадбирларни жорий қилиш йўли билан 2,5 миллион сўм иқтисодий самара олинади.

Рационализаторлик таклифлари ва ихтироларни жорий этиш ҳисобига камида 2,1 миллион сўм шартли йиллик иқтисодий самара олинади. Ёқилғи-энергетика ресурслари сарфини камайтириш топшириқлари ошириб бажарилади ва 9 миллион киловатт-соат электр энергия, 4 минг гигакалория иссиқлик, 2 минг тонна шартли ёқилғи тежаб қолинади.

4930 ишчининг малакаси оширилади ва уларга иккинчи касблар ўргатилади, комбинатнинг камида 4500 ходими иқтисодий ўқишга жалб этилади. Социал-иқтисодий ривожланиш планига мувофиқ 34 минг квадрат метр уй-жой, 420 ўринли боғча-ясли ишга тушурилади.

Ердамчи хўжаликдан комбинат меҳнаткашларига 255 тонна гўшт, 200 тонна сут, 185 мингта тухум, 1950 тонна сабзавот, 720 тонна мева, 390 тонна узум реализация қилинади.

М. И. Калинин номли, «Гулистон», «Ўзбекистон 50 йиллиги» колхозларига ва «Оққўрғон» совхозига оталиқ ёрдами бериш давом эттирилади.

Биз республика рангли металлургия ходимларини 1982 йил плани ва социалистик мажбуриятларини ҳамда умуман ўн биринчи беш йилликни муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани янада кенг авж олдиришга, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг 60 йиллигини зарбдор меҳнат билан нишонлашга чақирамиз.

Социалистик мажбуриятлар комбинат меҳнат коллективларининг йиғилишларида муҳокама қилиниб, қабул этилди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ЎРТА ЧИРЧИҚ РАЙОНИДАГИ ОХУНБОБОЕВ НОМЛИ КОЛХОЗНИНГ 1982 ЙИЛ ВА УМУМАН ЎН БИРИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИККА ҚАБУЛ ҚИЛГАН

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхоз меҳнаткашлари партия XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитети 1981 йил ноябрь Пленуми қарорларига амал қилиб, СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун умумхалқ мусобақасига қўшилиб, 1982 йил ва умуман ўн биринчи беш йилликнинг пахта ва бошқа деҳқончилик ҳамда чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ва давлатга сотиш топшириқларини муддатидан илгари бажариш юзасидан социалистик мажбуриятларни қабул қилдилар.

1982 йилда эртаги мўл пахта ҳосили етиштириш технологиясини янада такомиллаштириш, деҳқончилик маданиятини ошириш, фан ютуқлари ва илғор тажрибани жорий этиш асосида гектар бошига 40 центнердан пахта олиш ва унинг ялпи ҳосилини 4600 тоннага етказиш — пландагидан 1230 тонна ёки 36 процент ошириш, ўн биринчи беш йиллик планини тўрт йилда бажариш, беш йил мобайнида 23,6 минг тонна, яъни пландагидан 6,6 минг тонна кўп пахта сотиш кўзда тутилмоқда. Жами ўсиш пахта ҳосилдорлигини ошириш йўли билан олинади. Ҳосилдорлик 1985 йилда гектар бошига 42 центнерни ташкил этади. Ҳосил йиғим-теримини механизациялаш даражаси 95 процентгача етказилади.

Дон, сабзавот, картошка, мева ва узум етиштириш ҳамда сотиш юзасидан ўн биринчи беш йиллик планларини ҳам 4 йилда бажариш мўлжалланмоқда. Дон учун маккажўхорининг ўртача йиллик ҳосилдорлиги гектарига 90 центнерга етказилади, унинг ялпи ҳосили эса шу вақт ичида 1,4 баравар оширилади.

Каноп пояси етиштириш беш йил ичида 1,7 баравар кўпаяди ва йилига 17,2 минг тоннага етади.

Чорвачиликни янада ривожлантириш учун коллективнинг куч-ғайрати сўгориладиган ҳар гектар ердан 220 центнер беда пичани, 700 центнер маккажўхори қўқлояси ва лавлаги олишга қаратилади.

Чорва ва парранда маҳсулдорлиги оширилади, 1985 йилда ҳар бир бош сигирдан соғиб олинадиган сут 4300 килограммни ташкил этади. Давлатга гўштга топшириладиган ҳар бир бош қорамолнинг ўртача тирик вазни 450 килограммга етказилади. Бунда гўшт етиштириш ўртача йиллик ҳажми ўнинчи беш йиллиқдагига нисбатан 73 процент, сут етиштириш ўртача йиллик ҳажми эса 25 процент ортади.

Беш йилликда 70 тонна пилла етиштириш, планни 127 процент қилиб бажариш, ҳар кути қурт уруғидан 80 килограммга етказиб юқори сифатли пилла олиш кўзда тутилмоқда.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг барча тармоқларига илғор механизациялаштирилган технологияларни кенг жорий этиш асосида ҳар йили меҳнат унумдорлигини 8 процентдан оширишга эришиш мўлжалланмоқда.

Колхозчилар ўртасидаги социалистик мусобақа колхознинг ҳар бир ишлаб чиқариш бўлинмаси қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ҳамда давлатга сотиш планларини тўла ва ошириб бажаришни таъминлашлари учун «Қолоқларсиз ишлайлик» шиори остида олиб борилади.

Шу беш йилликда социал-маданий ривожланишга колхоз маблағларидан 2 миллион 200 минг сўм сарфлаш кўзда тутилган. 660 ўринли маданият саройи, 140 ўринли болалар боғчаси, 30 та уйжой биноси барпо этилади. 4 минг метр водопровод қувури ётқизилади, колхоз посёлкаларини газлаштириш, йўлларга асфальт ётқизиш давом эттирилади.

Шу кунларда колхоз меҳнаткашлари кўкламни шай бўлиб кутиб олишга ҳозирлик кўрмоқдалар. —Машина-механизмлар ремонтдан чиқарилди, уруғлик, ўғит, ёнилғи тайёр, суғориш ва коллектор-дренаж шохобчалари тартибга келтирилмоқда, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлиги нишонланадиган йил — 1982 йилни янги меҳнат зафарлари билан якунлаш учун ҳамма ишлар қилинмоқда.

Ушбу социалистик мажбуриятлар колхозчиларнинг умумий йиғилишида муҳокама этилиб, қабул қилинган.

ҚАРШИ СУТ КОМБИНАТИ КОЛЛЕКТИВИНИНГ 1982 ЙИЛГИ

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Комбинат ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари партия XXVI съездининг, КПСС Марказий Комитети 1981 йил ноябрь Пленумининг қарорларига, ўртоқ Л. И. Брежневнинг йўл-йўриқларига амал қилиб, озиқ-овқат программасининг бажарилишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишга интилиб, СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб, 1982 йил учун зиммаларига қуйидаги социалистик мажбуриятларни қабул қилдилар:

Ишлаб чиқариш ҳажми юзасидан йиллик план муддатидан илгари, 20 декабрда бажарилади, план 1981 йилга нисбатан 19 процент оширилади. Планга қўшимча 500 тонна қаймоғи олинмаган сут маҳсулотлари тайёрланади ва реализация қилинади. Шу жумладан: 200 тонна қаймоғи олинмаган сут, 20 тонна қаймоқ, 30 тонна сузма, 90 тонна сут-қатиқ маҳсулотлари, 50 тонна сариёғ тайёрланади ва реализация қилинади.

Ишлаб чиқаришни инженерлик жиҳатидан таъминлаш комплекс планини амалга ошириш ва иш сифатини юксалтириш, меҳнатни ташкил этиш бригада шаклларини янада ривожлантириш асосида меҳнат унумдорлигини ўсириш топшириғи 10 процент ошириб бажарилади ва ишлаб чиқариш ҳажмининг бутун ўсиши шу ҳисобдан таъминланади.

Фан-техника тараққиёти ва илғор технология ютуқлари ишлаб чиқаришга изчиллик билан жорий этиб борилади. Янги техникага доир камида 5 та тадбир амалга оширилади.

Ички резерварни сафарбар этиш, тежамкорлик режимини кучайтириш асосида маҳсулот таннархини „арзонлаштириш юзасидан йиллик топшириқ ошириб бажарилади ва 25 минг сўм миқдорида пландан ташқари фойда олинади.

Хом ашё бирлигидан олинадиган маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш; сут зардоби, чалобидан рационал фойдаланиш ҳисобига 20 тонна сут тежалади. 5 минг киловатт соат электр энергияси, 7000 гигакалория иссиқлик энергияси, 10 тонна шартли ёқилғи тежалишига эришилади.

Якка-якка, бригадалаб ва группалаб ўқитиш йўли билан асосий касблар бўйича 25 ишчи тайёрланади, 20 ишчининг малакаси оширилади.

Қурилаётган сут заводи муддатидан бир ой аввал фойдаланишга топширилади.

Ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчилар серунум меҳнат қилишлари учун уларга зарур ишлаб чиқариш ва маиший шароитлар яратиш комплекс тадбирлари тўла ҳажмда бажарилади. Корхона коллективининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида ёрдамчи хўжалик ташкил қилинади.

Колхозлар, совхозларга чорвачилик фермаларини ташкил этишда, ем-хашак тайёрлаш ва ҳосилни ўриб йиғишда доимо оталик ёрдами кўрсатиб борилади.

Биз республика гўшт ва сут саноатининг барча ходимларига мурожаат этиб, СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини зарбдор меҳнат билан нишонлашга, аҳолига юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, беш йиллик иккинчи йили ва умуман ўн биринчи беш йиллик планлари муддатидан илгари бажарилиши учун социалистик мусобақани авж олдиришга чақирамиз.

Социалистик мажбуриятлар комбинат меҳнаткашларининг йиғилишида муҳокама этилиб, қабул қилинди.

ШАХДАМ ОДИМЛАР

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ВА ЎзТАГ МУХБИРЛАРИДАН

КОСОН

ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТИНИНГ БУ РАЙОНИДАГИ ЎРДАКЧИЛИК СОВХОЗИДА ЯНГИ «ПАРРАНДАЧИЛИК» ШАҲАРЧАСИ ПАЙДО БЎЛДИ. Бу ерда ўрдак боқиш учун мўлжалланган ўнта паррандахона ишга туширилди. Инкубаториянинг биринчи навбати ҳам маҳсулот бера бошлади. Паррандахоналарга яқин жойда сунъий ҳовузлар вужудга келтирилди.

Хўжалик паррандабоқарлари бу йил ўрдаклар сонини бир миллионтага етказишга қарор қилганлар.

ТОШКЕНТ

ЎРТА ОСИЁ ЯГОНА ЭНЕРГЕТИКА СИСТЕМАСИГА ЯНГИ ЗВЕНО ҚЎШИЛДИ. Ў юқори кучланишли Мари — Қоракўл электр узатиш линияси дир. Натижада, қардош Туркманистон ССРдаги Мари ГРЭСида ҳосил қилинаётган ток Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистоннинг бирлашган энергетика системаси қувватини яна 500 минг киловаттга кўпайтирди.

Ҳозирги пайтда Ўрта Осиё энергетика халқасидаги станциялар бир кеча-кундузда 230 миллион киловатт-соат электр энергияси ҳосил қилаётир.

ШЎРТАН

ШЎРТАН ГАЗ КОНИНИНГ ИККИНЧИ НАВБАТ ҚУРИЛИШИДА ТЕХНОЛОГИЯ УСКУНАЛАРИНИ МОНТАЖЛАШ НИҲОЯСИГА ЕТКАЗИЛДИ. Созловчилар уни ишга туширишга ҳозирлик кўришмоқда. «Средазнефтегазмонтаж» трестининг монтажчилари узел ва агрегатларни йириклаштирилган ҳолда йиғиш усулини қўлланиб, графикдан анча ўзиб кетдилар. Натижада, Шўртан газ конида қазиб олинадиган «зангори олов» миқдори яна тўрт миллиард кубометрга кўпайди.

Шўртан газ конининг истиқболи порлоқ. Ҳозир унинг разведка қилинган запаси 500 миллиард кубометрдан ортиқроқдир. Беш йиллик мобайнида табиий газ қазиб олиш йилига 18 миллиард кубометрга етказилади.

БУХОРО

ТЎҚИМАЧИЛИК КОМБИНАТИ МЕҲНАТКАШЛАРИ ЯНГИ ЙИЛНИНГ ДАСТЛАБКИ КУНЛАРИДАНОҚ ЗАРБДОР СУРЪАТЛАР БИЛАН ИШЛАМОҚДАЛАР. Уларнинг кўпчилиги тўқув дастгоҳлари ва йигирув машиналарига хизмат кўрсатиш зонасини кенгайтирдилар. Социалистик мусобақа пешқадамлари орасида бир беш йиллиқда ўн йиллик нормани адо этиш ташаббуси издошлари кўп. Жумладан, калваловчи Ольга Черновалова, бўёқчи Саъдулла Наврўзов, мастер ёрдамчиси Лутфулло Назруллаевлар шу кунларда 1983 йил ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқармоқдалар. 136 ишчи смена топшириқларини 104—107 процент адо этмоқда.

АКТИВ ЙИҒИЛИШЛАРИ

Сурхондарё область партия-хўжалик активининг йиғилиши область саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ва ташкилотларининг ўтган йилги иш якунларига ҳамда меҳнат коллективларининг КПСС Марказий Комитети 1981 йил ноябрь пленуми қарорларидан, ўртоқ Л. И. Брежнев йўл-йўриқлари ва тавсияларидан келиб чиқадиган вазифаларига бағишланди.

Йиғилиш қатнашчилари 1982 йил учун социалистик мажбуриятлар қабул қилдилар.

Йиғилишда область партия комитетининг биринчи секретари А. К. Каримов нутқ сўзлади.

* * *

Фарғона область саноат, транспорт, алоқа ва қурилиш ташкилотлари ходимлари партия-хўжалик активи йиғилишининг қатнашчилари 1981 йилги иш якунларини ва КПСС Марказий Комитети 1981 йил ноябрь Пленумининг талаблари, ўртоқ Л. И. Брежневнинг йўл-йўриқлари ва тавсиялари асосида 1982 йилги социалистик мажбуриятларни муддатидан олдин бажариш соҳасидаги вазифаларни муҳокама қилдилар.

Йиғилиш қатнашчилари ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш, мавжуд резервлардан фойдаланиш, СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун мусобақани авж олдириш масалаларига асосий эътибор бердилар. 1982 йил учун социалистик мажбуриятлар қабул қилинди.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ФИЛИАЛИГА ҚАРАШЛИ ТАБИИЙ ФАНЛАР КОМПЛЕКС ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Совет фанини, республика экономикасини ривожлантириш, юксак малакали кадрлар тайёрлашдаги хизматлари учун ва ташкил этилган кунининг 50 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Қорақалпоғистон филиалига қарашли табиий фанлар комплекс илмий-тадқиқот институтининг Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. УСМОНХЎЖАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Г. ҲАЙДАРОВА.

Тошкент шаҳри
1982 йил, 20 январь.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ўзбек совет адабиётини ривожлантиришдаги хизматлари учун ёзувчи ўртоқ Ахмаджон Отабоевич Отабоевни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми адабиёт соҳасидаги хизматлари учун ёзувчи ўртоқ Нозат Абиббуллаевич Умеровни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

ЛЕНИНЧА МИЛЛИЙ СИЁСАТНИНГ НАТИЖАЛАРИ БУТУН ДУНЁГА МАЪЛУМ. СОВЕТ ИТТИФОҚИДАГИ БАРЧА МИЛЛАТ ВА БАРЧА ЭЛАТЛАР РАВНАҚ ТОПИШ ЙЎЛИГА УТДИЛАР ВА ИНДУСТРИЯНИ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ, ФАН ВА МАДАНИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЖУДА КАТТА МУВАФФАҚИЯТЛАРГА ЭРИШДИЛАР. СОЦИАЛИЗМ ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИНГ ХАЛҚЛАР ДУСТЛИГИ КАБИ ҲАРАКАТГА КЕЛТИРУВЧИ ҚУДРАТЛИ КУЧИНИ ИШГА СОЛДИ. ҚЎП МИЛЛАТЛИ СОВЕТ ХАЛҚИНИНГ БИРЛИГИ ОЛМОСДЕК МУСТАҲКАМЛАНДИ. ОЛМОС РАНГ-БАРАНГ ТОВЛАНИБ ТУРГАНИ СИНГАРИ ХАЛҚИМИЗНИНГ БИРЛИГИ ҲАМ УНИ ТАШКИЛ ЭТГАН МИЛЛАТЛАРНИНГ ФАЗИЛАТЛАРИ БИЛАН ҚУРҚАМДИР. БУ МИЛЛАТЛАРНИНГ ҲАР БИРИ БАДАВЛАТ, ТУЛАҚОНЛИ, ЭРКИН ВА БАХТЛИ ҲАЁТ КЕЧИРМОҚДА.

Л. И. БРЕЖНЕВ.

Ленин билан Туркистон хотин-қизларининг учрашуви

Л. Абдуллаев чизган расм.

НАЗАРИЯ МАСАЛАЛАРИ

СССР 60

В. И. Ленин — СССР ТАШКИЛОТЧИСИ

СССРнинг тузилиши ва ривожланишида Владимир Ильич Ленининг роли беқиёсдир. У Совет Федерацияси тўғрисидаги, Совет республикалари ўзаро муносабатларининг принципларини тўғрисидаги таълимотни яратди. В. И. Ленин улуғ назариётчи, давлатшунос юрист эди. У инсоният тарихида биринчи кўп миллатли Совет давлатини барпо этиш юзасидан мислсиз катта иш қилди.

В. И. Ленининг буюк хизмати шундаки, у Россияда социалистик революция ғалабасидан сўнг Россия Совет Федерациясини тузишни таклиф қилди. Унинг таклифи билан ҳукумат РСФСР Халқ Комиссарлари Совети деб аталди. Бу билан Владимир Ильич ҳукумат халқ ҳукумати эканлигини, у меҳнаткаш халқ вакилларидан тузилганлигини алоҳида таъкидлашни истаган эди. В. И. Ленин давлат ҳокимияти, давлатни бошқариш олий органларининг структурасини белгилаб берди. Совет давлатининг дастлабки даврида Меҳнат ва Мудофаа Кенгаши, Халқ Хўжалиги Олий Кенгаши, ВЧК каби давлат органларини барпо этишда ва унинг фаолият доирасини белгилашда Владимир Ильичнинг хизматлари жуда каттадир.

Совет Россияси меҳнаткашларининг бахти шундаки, биринчи Совет ҳукуматининг биринчи раислигига Владимир Ильич Ленин сайланди. Владимир Ильич 1917 йилдан 1922 йилга қадар РСФСР Халқ Комиссарлари Советининг Раиси, Меҳнат ва Мудофаа Кенгашининг Раиси, РСФСР Марказий Ижроия Комитетининг аъзоси сифатида янги Совет давлат аппаратини барпо этиш ва унинг фаолиятини ташкил қилиш юзасидан мислсиз катта ишларни бажарди.

Шу билан бир вақтда, В. И. Ленин партияга, халқаро ишчилар ҳаракатига ҳормай-толмай раҳбарлик қилди, худди шу вақтда у Коминтернда, РКП(б) съездларида, РКП(б) Марказий Комитети Пленумларида ва Сиёсий бюро мажлисларида кўп марталаб доклад қилди, айни вақтда марксча таълимотни ривожлантириш ишларини давом эттирди. В. И. Ленин 55 томлик тўла асарлар тўпламидан 22 таси Октябрдан кейинги даврга тўғри келади. Уларда кўп миллатли давлат ва унинг аппаратини барпо этиш, фаолиятини йўлга қўйиш масалалари, социалистик қурилиш масалалари алоҳида ўрин тутади.

Улуғ Октябрь ғалабасидан сўнг В. И. Ленин миллий муносабат масалаларига, собиқ чор Россиясининг чекка ўлкаларига алоҳида эътибор берди. Ўрта Осиё халқлари миллий Совет давлати тузилишида ва ривожланишида Владимир Ильичнинг хизматлари беқиёсдир. Унинг ташаббуси билан Туркистонда аввал Автоном Совет Социалистик Республикаси тузилди. Бу республика состави жиҳатдан кўп миллатли бўлиб, ўзбек, тожик, туркман, қирғиз ва Ўрта Осиёдаги бошқа халқларининг миллий давлати эди. Туркистонда Совет автономиясининг тузилиши катта жараённинг бошланиши эканлигини Владимир Ильич яхши биларди. Бухорода ва Хивада халқ революцияси ғалаба қозонгандан кейингина В. И. Ленин Ўрта Осиёнинг этнографик картасини ва тегишли миллий Совет Социалистик Республикаларини тузиш вазифасини қўйди. Бу вазифа 1924 йилда муваффақиятли бажарилди.

Россия Федерацияси ва унинг составига кирувчи миллий давлат тузилмалари билан ўзаро муносабатлари принципларини белгилашда доҳийнинг башорат қучи айниқса ёрқин намоён бўлди. Бу ўринда РКП(б) Марказий Комитети Туркистон Комиссияси катта роль ўйнаганлигини таъкидлаб ўтмоқ керак. Бу бюро ва комиссияларда Ленининг сафдошлари бевосита иш олиб бордилар.

В. И. Ленин ўз асарларида, шунингдек, давлат арбоби сифатидаги фаолиятида Совет Федерацияси тузилиши принциплари тўғрисидаги таълимотни яратди ва ҳаётга активлик билан татбиқ этди. Практикани ўрганиш, тажрибалардан сабоқ чиқариш, назарияни амалиётга қиёслаш Владимир Ильичга хос фазилат эди. У РСФСР тузилишининг дастлабки тажрибасини ўрганиб, кейинги босқични тайёрлашга, ССР Иттифоқини тузишга киришади. У мустақил Совет республикалари ўз ҳолларича яшай олмаслигини, социализм қурилишининг ўзи уларнинг куч-ғайратини бирлаштиришни тақозо этишини олдиндан кўра билди. Ўша вақтда совет республикалари ўртасида мавжуд бўлган ўзаро муносабатларнинг формаси социалистик қурилиш вазифаларига ҳали тўла жавоб беролмас эди. В. И. Ленин Россияда Федератив тузилиш тажрибасини диққат билан кузатиб борди. РСФСР ичидаги миллий республикаларинггина эмас, балки РСФСРнинг бошқа Совет республикалари билан ҳам ўзаро муносабатлари тажрибасини ўрганди ва бундай муносабатларнинг фарқини ажрата билди. Совет республикалари ўзаро муносабатлари формасининг тараққиёти, истиқболи Коммунистик партия доҳийсининг диққат марказида турди.

ССР Иттифоқи тузилишидан олдин мустақил Совет республикалари халқларининг ягона иттифоқдош давлатга бирлашиш ҳаракати бошланган эди. 1917 йилдан 1922 йилгача давом этган бу ҳаракат СССР тузилишининг сабабларини изоҳлаб беради.

Совет республикалари халқларининг бирлашиш ва ягона иттифоқдош давлат тузиш учун ҳаракати бир қанча тарихий даврларга бўлинади. Ҳарбий интервенция ва гражданлар уруши йилларида бу ҳаракат ҳарбий иттифоқ характерида бўлди. Мамлакатни мудофаа қилиш ва Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш мақсадида РСФСР билан бошқа совет республикалари ўртасида махсус битим тузилган бўлиб, бу битимга мувофиқ совет республикалари ўз ҳарбий кучларини иҳтиёрий равишда бирлаштирдилар ҳамда қуролли кучларга раҳбарлик қилишни В. И. Ленин бошчилигидаги РСФСР Меҳнат ва Мудофаа Кенгаши ихтиёрига топширдилар.

СССР Марказий Ижроия Комитети Президиумининг ҳамма халқларга мурожаатида ССР Иттифоқи тузилишига олиб келган вазият кўрсатиб берилган. Мурожаатда бундай дейилади: «Улар бутун кучлари ва воситалар билан бир-бирларига доимий қардошлик ёрдами кўрсатиб, битимлар билан ўзаро боғлиқ бўлишларига қарамай, узоқ вақт алоҳида давлатлар бўлиб қолдилар... уларнинг ўзаро муносабатлари янада ривожланиши ҳамда халқаро вазият талаблари уларни битта иттифоқдош давлатга бирлашишга олиб келди».

СССРнинг тузилишида В. И. Ленин ташаббуси билан Закавказье Совет Федератив Социалистик Республикасининг тузилганлиги ҳам маълум аҳамиятга эга бўлди. ЗСФСРнинг тузилиши фақат Совет автономияси асосидагина эмас, балки мустақил социалистик республикалар базасида ҳам федератив давлат тузилиши мумкинлигини амалда исботлади. Шундай қилиб, СССР ташкил этилгунга қадар иккита федератив давлат — РСФСР ва ЗСФСР ҳамда иккита совет унитар давлатлари — Украина ва Белоруссия ССР мавжуд эди. Бу вақтга келиб, юқорида айтиб ўтилганидек, Совет республикалари ўртасидаги муносабатларнинг мавжуд битим формаси эскириб қолди. Деярли ҳамма республикалардан таклифлар туша бошлади. Бу таклифлар республикалар ўртасидаги ўзаро муносабатларни янада такомиллаштиришни кўзда тутарди.

РСФСР ва бошқа республикалар ўртасидаги битимлар совет республикаларининг хўжалик, маданий ва сиёсий тараққиётига РСФСР бошчилигида республикалар ўртасида мустаҳкам давлат иттифоқини вужудга келтириш совет республикаларини ҳар томонлама тараққий эттириш ва социализм қурилишининг ҳал қилувчи омили эканлигини кўрсатди. Шу сабабли деярли бир вақтнинг ўзида ҳамма республикаларда иттифоқ давлатини тузиш масаласи кўтарилди.

Коммунистик партия тушган таклифлари, совет республикалари давлат қурилишининг тажрибасини ўрганиб, ССР Иттифоқини ташкил этиш масаласининг муҳокамасига киришди.

В. И. Ленининг 1922 йил 27 сентябрда Сиёсий бюро аъзоларига юборган мактуби ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Бу мактубда ССР Иттифоқини ташкил этишнинг асосий принциплари белгилаб берилди. У мустақил совет республикалари РСФСР составига кириши керак эмаслигини, балки РСФСР билан биргаликда, РСФСР билан бир қаторда иттифоқ давлатига кириши кераклигини, совет республикаларининг бу иттифоқ давлатига киришдаги ихтиёрийлиги ва тенг ҳуқуқлилиги иттифоқ давлатининг асосий принциплари бўлиши зарурлигини кўрсатиб берди, айни вақтда автономлаштириш планини буюк давлатчилик шовинизми кўриниши деб баҳолади.

В. И. Ленин совет республикалари «Янги иттифоққа», «янги федерацияга» киришларини, республикалар СССРнинг ташкил этилиши уларнинг мустақиллигини тугатмаслигини, балки янги босқичга барпо этилаётганлигини — тенг ҳуқуқли республикалар федерацияси тузилаётганлигини тушуниб олишлари муҳим эканлигини кўрсатди.

Партия Марказий Комитетининг 1922 йил октябрь Пленуми Украина, Белоруссия, Закавказье республикалари федерацияси ва РСФСР ўртасида уларнинг ҳар бирининг «Иттифоқ составидан эркин чиқиш ҳуқуқини сақлаб қолган ҳолда Совет Социалистик Республикалари Иттифоқига бирлаштириш тўғрисида» қарор қабул қилди.

РКП(б) Марказий Комитетининг 1922 йил 18 декабрда бўлган Пленуми эса иттифоқ давлатини тузиш бўйича амалий тадбирларни муҳокама қилди. Пленум ССР тузилиш тўғрисидаги Декларация ва Шартнома лойиҳасини муҳокама қилди, ССР Советларининг биринчи Таъсис съездига тайёргарлик кўриш бўйича комиссияни тузди. Бу вақтда ССР Иттифоқини ташкил этиш тўғрисидаги ҳужжатлар Украина, Белоруссия, РСФСР, ЗСФСР Советларининг съездларида муҳокама қилиниб, маъқулланган эди.

1922 йил 30 декабрь совет халқлари тарихида унутилмас кундир. Шу куни Советларнинг I съезди очилди. Съездда РСФСР, Украина ССР, Белоруссия ССР, ЗСФСРдан 2215 делегат қатнашди. Съезд ССР Иттифоқини тузиш тўғрисидаги Декларация ва Шартномани қабул қилди. Советларнинг съезди халқларнинг ихтиёрийлиги ва тенг ҳуқуқлилиги асосида кўп миллатли иттифоқ давлати — СССР ташкил этилганлигини тантанали эълон қилди.

Янги ташкил этилган ССР Иттифоқи давлат ҳокимият органларини барпо этиш, ривожлантириш ва такомиллаштиришда В. И. Ленин ғоят катта роль ўйнади. У оғир касал бўлишига қарамай, кўпмиллатли Совет давлатини ташкил этиш жараёнига раҳбарлик қилди.

СССР давлат ҳокимияти олий органининг икки палатали системасини барпо этиш ғояси ҳам В. И. Ленинга мансубир. Бу СССР Марказий Ижроия Комитети составида икки палата: Иттифоқ Совети ва Миллатлар Совети бўлишини талаб қилди. СССРда икки палатали система ўша вақтдан бошланган.

Ғоят буюк интернационалист бўлган В. И. Ленин Совет давлат аппаратида Советлар мамлакатидаги барча миллатлар вакиллари бўлишини талаб қилди. РСФСРнинг биринчи ҳукумати — Халқ Комиссарлари Совети ўз составини жиҳатидан интернационал эди.

В. И. Ленин ғоялари туфайли Совет давлат аппарати интернационал аппаратдир. Давлат ҳокимиятининг ҳамма бўғиндаги органлари составига Совет Иттифоқидаги барча миллат вакиллари киритилган.

Коммунистик партия В. И. Ленининг СССРнинг ташкил этилиши — кўп миллатли давлатни барпо этишнинг бошланишидир. СССР составида республикаларнинг ўзаро муносабатларига яна ва яна қайтмоқ керак, деган кўрсатмаларига амал қилиб, Советларнинг I съездидан сўнг ҳам катта ишларни амалга оширди.

СССР Конституциясини қабул қилиш, давлат ҳокимияти ва бошқаришнинг умумиттифоқ органларини барпо этиш, СССР ва иттифоқдош республикалар ўзаро муносабатларини тартибга солиш, ССР Иттифоқи билан иттифоқдош республикалар компетенциясини белгилаб олиш зарур эди.

1923 йилнинг июни охири ва июлининг бошларида СССР Конституцияси лойиҳаси иттифоқдош республикалар Марказий Ижроия Комитетлари сессияларида муҳокама қилинди ва маъқулланди, РКП(б) Марказий Комитети 1923 йил июлда махсус Пленум чақириб, ССР Иттифоқи биринчи Конституцияси лойиҳасини муҳокама қилди ва маъқуллади. Шундан сўнг Марказий Ижроия Комитетининг II сессияси 1923 йил 6 июлда СССР Конституцияси лойиҳасини яқдиллик билан тасдиқлади ва уни амалга киритди.

СССР билан иттифоқдош республикалар ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солиш, давлат ҳокимияти ва бошқариш органларини тузиш, СССР ва иттифоқдош республикалар компетенцияларини аниқроқ белгилаб бериш, яъни янги ташкил этилган ССР Иттифоқи давлат ҳаётининг муҳим масалаларини ҳал этиш ғоят зарурлигини ҳисобга олиб, СССР Марказий Ижроия Комитетининг II сессияси Советларнинг навбатдаги съездини кутиб ўтирмай, Конституцияни дарҳол амалга киритиш тўғрисида қарор қабул қилди. Конституциянинг узил-кесил тексти Советларнинг II съездида 1924 йил 31 январда тасдиқланди.

«... Совет Конституцияси, — деган эди В. И. Ленин, — меҳнаткашларга хизмат қилмоқда ва доимо хизмат қилажак, бу Конституция социализмни барпо қилиш учун курашда кучли қуролдир». Жаҳонда биринчи умумхалқ социалистик давлатининг Асосий Қонунида коммунизм сари йўлимиздаги янги тарихий марра — ривожланган социалистик жамият қуриш марраси мустаҳкамлаб қўйилган. Шу жиҳатдан олганда доҳиймиз В. И. Ленининг юқоридаги гапларига қўшимча қилиб, бизнинг Конституциямиз коммунизм қуриш қуролидир, дейимиз.

«...СССР — шунчаки давлат тузуми бўлиб қолмай, ҳамма совет халқларининг дили ва қонига сингиб кетган, уларнинг давлат ҳусусидаги тушунчасининг энг асосий, ҳал қилувчи белгисини ташкил этган ихтиёрий, бузилмас, социалистик иттифоқидир, — деди ўртоқ Л. И. Брежнев. — Совет кишилари ўзларининг кучи мустаҳкам бирликда эканлигини, бир-бирига кўмаклашишга, Коммунистик партия раҳбарлигида улуғ мақсад, коммунизм сари ҳамжиҳат ҳаракат қилишга тайёр туришда эканлигини жон-дилдан яхши тушунадилар».

СССР қуч-қудратининг тобора ўсиб бораётганлиги мамлакатимиздаги барча синфлар ва социал группалар, миллатлар, элатларнинг янада жипслашуви учун объектив шароит яратмоқда. Ягона давлат манфаатлари билан бирлашган совет кишиларининг бирлиги мамлакатимиз ичидагина эмас, балки халқаро майдонда ҳам қудратли социал-сиёсий куч бўлиб қолмоқда. Буюк ССР Иттифоқи бутун инсоният кўз-ўнгида коммунизм қураётган мамлакат, халқлар дўстлигининг мустаҳкам қалъаси, жаҳон революцион-озодлик ҳаракатининг таянчи бўлиб намоён бўлмоқда.

А. АЪЗАМХЎЖАЕВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси.

СССР ташкил этилган йилда унинг составида 33 та миллий-давлат тузилиши, жумладан:	Ҳозирги вақтда СССР составида 53 та миллий-давлат тузилиши, жумладан:
4 та иттифоқдош республика,	15 та иттифоқдош республика,
13 та автоном республика,	20 та автоном республика,
16 та автоном область бўлган.	8 та автоном область, 10 та автоном округ бор.

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

● Ўзбекистонда бир йилда барча молиявий манбалар ҳисобига умумий саҳни 6 миллион квадрат метрдан иборат уй-жой барпо этилди.

● Аҳоли учун маҳсулот ишлаб чиқарувчи тармоқлар жадал ривожланмоқда. Ўтган йилнинг ўзидагина Андижон ва Фарғона тўқимачилик комбинатларида янги қуваватлар, қатор шаҳарларда эса уларнинг филиаллари, Косонда ёғ-экстракция заводи, Чирчиқда сут заводи, бир қанча чорвачилик комплекслари ва парандачилик фабрикалари ишга туширилди.

● Республикамизда бугунги кунда 14 минг кутубхона, тўрт мингга яқин клуб, 34 музей ишлаб турибди. Қишлоқ посёлкаларида қариб ўттиз бир мингта маданий-маиший комплекслар барпо этилган.

● Ҳозирги вақтда 20 минг бадиий ҳаваскорлик коллективларида 200 мингдан ортиқ киши шуғулланмоқда.

● Бугунги кунда Ўзбекистонда таълимнинг ҳамма турларига беш ярим миллиондан ортиқ киши жалб этилган. Олтмиш йил муқаддам 80 мингга яқин киши, шу жумладан умумтаълим мактабларида 73,5 минг ўғил-қиз ўқиқди.

● СССР ташкил топган йили ҳозирги Ўзбекистон территориясида 900 га яқин мактаб, йигирма битта ўрта махсус ва битта олий [Ўрта Осиё давлат университети] ўқув юрти бор эди. Ҳозир республикамизда қариб 9,5 минг умумтаълим мактаби, 200 га яқин техникум ва 43 олий ўқув юрти ишлаб турибди.

● Совет ҳокимияти йилларида ўзбек халқининг маънавий ва маданий ҳаёти беқиёс ўзгарди. Республикада 28 профессионал театр, шу жумладан Тошкент ва Самарқандда опера ва балет театри, филармониялар, кўплаб халқ ашула ва рақс ансамбллари маданий хизмат кўрсатмоқда.

«...ПЛЮС... ЭЛЕКТРЛАШТИРИШ»

Улуғ Ленининг «Коммунизм — Совет ҳокимияти плюс бутун мамлакатни электрлаштириш демакдир» деган доҳиёна сўзларини эндиликда ҳамма ёддан айтиб бера олади. Бу башорат ўзининг ойдин йўли, порлоқ рўёби билан совет кишиларининг тан-танига сингиб кетган.

1913 йилда Ўзбекистонда ҳамма электростанцияларнинг қуввати 3000 киловатт бўлса, бугунги кунда биргина бизнинг районимиз трансформаторлари қуввати 37 минг киловатт ампердан ошиб кетди. Бу — районимиз халқ хўжалигини электр энергияси билан 2000-йилгача қондириш имкони бор деган гап. Қолаверса, бу инқилобгача электр энергияси нима эканлигини билмаган, 1928 йилдагина Шаҳрихонда ўрнатилган ўзгармас ток генератори ёрдамида кучсиз электр энергияси олган районимиз аҳли учун чинакам мўъжиза эмасми?

Ўтган съездлар йилида районимиз нурчилари пландаги 36 минг 835 ўрнига салкам 38 минг киловатт-соат электр энергияси реализация қилдилар. Тежамкорлик борасида эришилган ютуқлар ҳам чакки эмас. Чунончи, тармоқларда электр энергиясининг табиий йўқолиши миқдорини тобора камайтириб бориш ҳисобига 74130 киловатт-соат электр энергиясини тежаб қолдик. Ҳаммаси бўлиб 270 минг киловатт-соат электр энергиясини тежашга эришдик. Буни тасаввур қилмоқ учун шунча миқдордаги электр энергия билан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш-техника таъминоти район бирлашмасидек ташкилотнинг камида тўрт ой, Володарский номли тикувчилик фабрикаси филиалининг салкам икки ой ишлаши мумкинлигини айтиш кифоя.

Эришилган бу муваффақиятларда Мўйдинжон Исаев бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси коллективининг улуши, айниқса, салмоқли. Коллектив ўзининг зарбдор меҳнати ва ижодий изланишлари билан бутун йил давомида ўн бешга яқин рационализаторлик таклифларини ишлаб чиқди. Уларнинг ўндан зиёди ишлаб чиқаришга жорий этилиб, 3000 сўмликдан зиёд иқтисодий фойда олинди.

Буларнинг ҳаммасини бир-бирига қўшиб, тўла тасаввур қилсак, улуғ Ленининг бутун мамлакатни электрлаштириш борасидаги орзуси амалга ошиб, ҳаётимизга сингиб кетганини чуқур ҳис этамиз. Зеро, доҳий «...плюс ...электрлаштириш» деганда бугунги нурафшон кунларни олдиндан кўролган эди. Унинг ҳар бир башорати бугунги кунда миллион-миллион чироқларда нур бўлиб, зиё бўлиб Совет ҳокимияти плюс бутун мамлакатни мунаввар этиб турибди.

Ж. АЗИМОВ,
Андижон область Москва район электр тармоқлари идорасининг бошлиғи.

МАРОҚЛИ СУҲБАТЛАР

Шу кунларда Тошкент шаҳрининг қайси бир корхона, муассаса ва ташкилотлари олий ва ўрта махсус ўқув юртларига борманг, у ерда, албатта, доҳийимиз В. И. Ленининг ҳаёти ва фаолиятига бағишлаб ўтказилаётган қизиқарли суҳбатлар устидан чиқасиз.

Улар жуда ранго-ранг. Масалан, тўқимачилар ўзаларининг ҳашаматли саройида Ленининг революцияга ча бўлган фаолияти билан яқиндан танишсалар, авиасозлар саройида «Ленин — Совет давлатининг асосчиси», мавзуидаги тематик суҳбатлар билан, доҳий номи билан аталувчи университет студент-ёшлари эса Ильичнинг Октябрь революциясидан кейинги фаолияти билан чуқур танишяптилар. Бундай ленинча ўқиш конференция ва семинарлар ижодий муҳозара, қизғин савол-жавоблар билан ўтаётгани бежиз эмас. Зеро, улуғ доҳийнинг ғоялари дунёнинг миллион-миллион эрксевар, тинчликсевар халқлари қалбида мангу яшайди, яшаган ва яшаяжак.

Ишчилар дастгоҳида, ўқувчи ва студентлар, зиёлиларнинг давраларида бўлиб ўтаётган бундай қизиқарли лекция ва конференциялар, ташкил этилган фото ва китоб виставкалари шаҳар меҳнаткашлари, меҳмонлари ва ёшларда чуқур таассурот қолдирмоқда.

И. Исомиддинов, М. Раҳимов, Е. Деева, Ф. Прудников, О. Қандаҳоров, П. Рассказов, Д. Привес, Ҳ. Раҳматов, М. Ваҳобов, Б. Пинхасов, У. Камолов каби тажрибали лекторларнинг «Ленин — Коммунистик партиянинг асосчиси», «Ленин — жаҳон пролетариатининг доҳийси», «Ленинизм — давримизнинг революцион байроғи», «Ленин ва Туркистон», «Ленин ва Шарқ» мавзуларида ўтказаётган тематик суҳбатлари Ильич ҳаёти ва ижоди билан янада яқиндан танишишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бундай хайрли ишларга бошқош бўлаётган Тошкент шаҳар «Билим» жамиятининг 20 минг кишилик лекторлар коллективи орасида олимлар, инженерлар, ишчилар, ўқитувчилар ва қурувчилар бор.

М. АВЕЗОВ.

ИНТЕРНАЦИОНАЛ БУРЧГА САДОҚАТ: ЎЗБЕКИСТОН — НОҚОРАТУПРОҚ ЎЛКАГА!

ЯҚДИЛ ҚАЛБЛАР САДОСИ

ТЕЛЕФОНДА: ВЛАДИМИР, НОВГОРОД, ИВАНОВО

Хўжалик юритиш соҳасидаги ютуқларимиз, экономикани ривожлантириш борасидаги тажрибаларимиз дунёдаги барча социалистик давлатлар, тараққиёт йўлига эндигина ўтган ва ўтаётган давлатлар учун мўъжизакор андоза бўлиб қолди. Доҳий Ленин асос солган Советлар давлати эришган бугунги зафарлар жаҳон миқёсида тан олинаётгани бежиз эмас. Ўртоқ Л. И. Брежнев таъкидлаганидек, «Барча республикаларнинг хўжалик имкониятлари ва ресурсларини бирга қўшиш ҳар бир республиканинг, энг кичик республикани ҳам, энг катта республикани ҳам ривожлантиришни жадаллаштиради. Бундан кўриладиган манфаат ҳар бир республика, область ва район куч-ғайратлари қўшилган тақдирдаги оддий арифметик йиғиндидан анча ошиб кетади».

Буни лоақал мамлакатимизнинг марказий районлари, РСФСРнинг Ноқоратупроқ ўлкасини ўзлаштириш соҳасида барча республикаларнинг бир-бирига ҳамкор-у ҳамдаст бўлиб меҳнат қилаётганлигининг ўзи яққол кўрсатиб турибди. Бу соҳада қўлга киритилган ютуқлар, янги йил режалари ҳақида суҳбатлашиш учун республикамиз вакиллари ишлаётган Владимир, Новгород ва Иваново билан телефонда боғландик.

М. ПУЛАТОВ, «Узладимирводстрой» трестининг бошқарувчиси: — Қийин кунларимизда ҳамиша мадад кўрсатган улуғ рус халқидан доимо миннатдормиз. Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги қурилиш давлат комитетининг Самарқанд, Андижон, Фарғона, Тошкент областларидаги ташкилотлари Ноқоратупроқ ўлкага кўрсатиладиган ёрдам ҳажмини тағин ҳам ошириш мақсадида РСФСРнинг Владимир областини отеяпиқка олдилар. Коллективимиз бўлинмалари ҳозирги пайтда катта қўламдаги қурилиш ва мелиорациялаш ишларини олиб боришга киришдилар. Струнинадаги механизациялашган кўчма колонна бунёдкорлари Арсиховский номли совхозни қайта қуриш ишларини жадаллаштириб юбордилар. Бу ерда жами 14 миллион сўмлик пудрат ишлари бажарилди. Совхознинг замонавий посёлкаси, чорвачилик комплекси барпо қилинади. Беш йиллик мобайнида коллективимиз 46 миллион сўмлик пудрат ишларини адо этади, 13 минг гектардан зиёд ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланади.

Т. ОТАҚУЛОВ, «Узновгородводстрой» трестининг «Тошкент-2» механизациялашган колоннаси партия ташкилотининг секретари: — Халқимизда азалдан мавжуд бўлган ҳашар усулининг имкониятлари Ноқоратупроқ ўлкани ўзлаштиришда катта ёрдам бермоқда. Ўзбекистон бўз-кўрик ерларини ўзлаштиришда бой тажриба тўплаган бинокорлар, ирригатор ва мелиораторлар барча совет кишилари билан бир сафда туриб, Ноқоратупроқ ўлка қишлоқ хўжалиги тараққиёти йўлида куч ва имкониятларини сафарбар қилмоқдалар.

Шуни мамнуният билан таъкидламоқчиманки, қиска вақт ичида республикамиз вакиллари Новгородда катта ҳажмдаги ишларни адо этишга эришдилар. Турли касб эгалари, айниқса механизаторлар жасорат кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар. Экскаваторчи Владимир Семенов Новгород ерларини ўзлаштиришда ўзига хос мактаб яратди. У 1980 йилда 58 минг ўрнига 80 минг кубометр тупроқ қазиб чиқарган эди. Ўтган йили эса пешқадам механизатор бажарган тупроқ ишлари ҳажми қариб 100 минг кубометрга етди. Колоннамиз Солецк райони колхоз ва совхозларига ўтган йилнинг ўзида юзлаб гектар захи қочирилган ерларни фойдаланиш учун топширди. Бу майдонларнинг анчагина қисмидан дастлабки ҳосил ундириб олинди. Коллективимиз яна 556 гектар майдонни фойдаланишга топширишга тайёрлаб қўйди.

Е. ЯНШИНИЦИН, Иваново область матлубот жамияти правлениесининг раиси: — Янги йил арафасида Ўзбекистон республикаси бинокорлари бизнинг ўлкамизда озиқ-овқат, саноат моллари билан савдо қиладиган магазинлар, қатор янги ошхоналар, қишлоқ универмаглари қуриб беришга қарор қилганликларини эшитгандик. 1982 йилнинг дастлабки кунлариданоқ бу ишга киришилди. Лежнев қишлоқ посёлкасида икки қаватли универмаг қурилиши бошлаб юборилди. Посёлкамиз марказий кўчасига алоҳида ҳусн бағишлайдиган универмагнинг номи «Фарғона» бўлади. Лух посёлкасида китоб магазини, Кинешмада кооператив савдоси магазини қурилади. Бу объектларнинг дастлабки навбатлари лойиҳалари тасдиқланди. Март ойида Фарғонадан яна бинокор ишчилар отрядлари келади. Қардош ўзбек халқи вакилларининг бундай ёрдами қишлоқларимизда маданий-маиший хизмат кўрсатишни янада яхшилаш имконини беради.

* * *

Ноқоратупроқ ўлка қишлоқ хўжалигини тараққий эттириш азму-қарор қилган совет халқининг катта бунёдкорлик ишларида республикамиз вакиллари ана шундай амалий ёрдам кўрсатмоқдалар. Бундай ўзаро ёрдам ўлка қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга муносиб мадад кўрсатади, албатта.

Ж. ХОЛҚОСИМОВ.

КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ғоявий-тарбиявий фаолиятни такомиллаштириш таъминлансин. Меҳнаткашларни В. И. Ленининг ҳаёти ва фаолияти мисолида, Коммунистик партия ва совет халқининг революцион, жанговар ва меҳнат анъаналари руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор берилсин.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ «ВЛАДИМИР ИЛЬИЧ ЛЕНИН ТУҒИЛГАН КУННИНГ 110 ЙИЛЛИГИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИДАН

Буюк ҳаёт лавҳаларидан

ТИЛ ҚУДРАТИ

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва жаҳонда биринчи социалистик давлат асосчиси В. И. Ленин таржимонлик ишида чет тилларни ўрганишга катта эътибор берарди. Илмий коммунизм асосчилари К. Маркс ва Ф. Энгельс каби унинг учун ҳам чет тиллари «ҳаётий кураш қуроли» эди.

В. И. Ленин чет тилларни ўрганишни болалик чоғларидаёқ бошлаганди. Володя Ульяновнинг ота-оналари Илья Николаевич ва Мария Александровна чет тилларни яхши билишар, болаларининг ҳам чет тилларини ўрганишлари ва чуқур билишлари учун ҳаракат қилишарди.

Бир неча чет тилларини билиши Владимир Ильичга конспирация ишида қўл келди. Бунда у ҳақиқатан мавжуд бўлган ва илмий иш учун зарур китоблар рўйхатини тузиб чиқарди. Сўнгра рўйхатга чет тилларида ўзи ўйлаб чиқарган ҳаёлий авторлар ва ҳаёлий сарлавҳалар ёнига савол аломати қўйиб киритарди. Бу хаёлий авторларнинг фамилиялари «Ишчилар синфини о[illegible] қилиш учун кураш союзи» аъзоларининг яширин лақабларига тўғри келарди.

В. И. Ленин таржима ишига катта эътибор берарди. Сибирь сургунида эканлигида Сиднеи ва Беатриса Вебб нинг «Инглиз тред-юнионизмининг назарияси ва практикаси» китобини инглиз тилидан рус тилига таржима қилди. Бу — илмий таржиманинг юксак намунасидир. В. И. Ленин таржима қилинаётган асарнинг мазмунини ифода борича тўлиқ ва осон тушунадиган даражада беришга интиларди. Таржимада мазмуни аниқлигига риоя қилган ҳолда, у мавжуд бўлган ҳар қандай луғат, справочник ва бошқа қўлланмалардан фойдаланиб, терминологияни энг аниқ шаклда етказиб беришга ҳаракат қиларди. Айни вақтда у ҳарфҳўрликдан қочар ва таржимани табиий адабий шаклга келтирарди.

«Менинг немис тили билан шуғулланишим ҳақида гап кетганда, — дея эслаганди А. Шаповалов, — луғатни қанчалик кўп ишлатишим ҳақидаги саволга лоқайдлик ва мақтаниш билан «жуда кам ҳолларда» деб жавоб қилдим. В. И. Ленин бунга жавобан: «Мен эса чет тилидан русчага таржима қилаётганимда луғатга тез-тез қараб тураман», — деб жавоб берди. Бу сўзлардан сўнг мен мақтанчоқлик қилиб, ўз айбимни очиб қўйганимни тушундим, қип-қизариб, ўнгайсиз аҳволга тушдим».

Б. Яковлевнинг маълумотларига кўра В. И. Ленин К. Маркс ва Ф. Энгельснинг қарийб 200 асарини, умуман эса, 100 дан зиёд чет эл авторларининг асарларини таржима қилган. Бу — юзлаб авторлик листини ташкил этадиган таржималар баъзан — асарнинг тўла таржимаси, гоҳида — асарнинг бир қисми ёки алоҳида цитаталар таржимасидан иборат.

Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейин ҳам улуғ доҳий Коминтерн конгрессларининг мажлисларида чет тилларда кўп марта нутқ сўзлади. У чет тилида нутқ сўзлаш, чет эл вакиллари билан суҳбат ўтказиш лаёқатини революция ишига, социализм, тинчлик ишига хизмат қилишга бағишлади. Шу билан бирга В. И. Ленин чет эл сўзларини ноўрин, нотўғри ишлатишга, айни вақтда рус тилини бузиб гаплашишга қарши курашарди. Унинг ўзи барчага тушунарли, рус тилида мустаҳкам ўрин олган сўзларни ишлатарди.

Доҳий асарларида чет тилларидаги нақллар ҳам учрайди. Булар мақол, маталлар, лўнда образли цитаталар, афоризмлар ва ҳикматли сўзлардир. Уларнинг ичида лотин ва француз, немис, инглиз, итальян ва грек тилидаги маталлар учрайди. В. Шекспир, И. В. Гёте, Г. Гейне, Ф. Шиллер, Г. Э. Лессинг, А. Шамиссо, Г. Гербер каби чет эл ёзувчиларининг асарларидан келтирилган образли цитаталар кўп учрайди.

Чет тилларидаги мақол ва маталлар, адабий цитаталар ва образлар, асарлардан келтирилган парчалар В. И. Ленин томонидан кўп ҳолларда сатира мақсадида фойдаланилган, улар синфий рақиблар фикрини кинояли баҳолашга хизмат қилган.

В. И. Ленин ўзининг бутун ҳаёти давомида чет тилларини ўрганиб, такомиллаштириб борди. У инглиз, немис ва француз тилларини чуқур эгаллаган, голланд, швед, данияликлар тилида ўқий олар, поляк ва итальян тилларида ўқир ва суҳбатлашарди, лотин ва қадимий грек тилларини биларди, чех тилини тушунарди.

Мамлакатимизда чет тилларни ўрганишга катта аҳамият берилмоқда, зотан чет тилларни ўрганиш, билиш тарихий тараққиётни жадаллаштиради, турли мамлакатларнинг меҳнаткашларини қардошларча ҳамкорлик, интернационализм ришталари билан боғлайди. Доҳийимиз ва мураббийимиз Владимир Ильич Ленининг буюк намунаси бизни ана шуларга ўргатади.

Д. НИЁЗОВ,
В. И. Ленин номидаги Тошкент давлат университетининг доценти.

В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиали залида. А. Тўраев фотоси.

МУҚАДДАС ДАРГОҲ

Тошкент шаҳрининг энг чиройли проспектида бир кошона бор. В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиали бу кошона. Беҳоён мамлакатимизнинг барча республикаларидан, жаҳоннинг кўплаб мамлакатларидан ҳар куни неча юзлаб кишилар бу ерга келиб, музейнинг 20 залига қўйилган 3 мингдан зиёд экспонат билан танишади.

Зиёратчилар дастлабки залга ўқитасига қадам қўйишди. Бу ердаги ҳужжатлар ва материалларда В. И. Ленининг болалик ҳамда ўсмирлик йиллари, революцион фаолиятининг бошланиши ифодаланган. Мана бу суратда Ульяновлар оиласи тасвирланган.

Зиёратчилар бирин-кетин залларни кўздан кечирар эканлар, В. И. Ленининг ҳаёти ва фаолияти, доҳий тузган Коммунистик партиямизнинг улкан бунёдкорлик ишлари кўз олдиларида намоён бўла борди.

— В. И. Ленин музейи жўшқин ҳаёт ойнаси, муқаддас дарсхона экан, — деди ҳамроҳларининг кўнглидагини ифода этиб нуроний отахон.

Музейни зиёрат қилиш учун келган ҳар бир киши ана шундай катта қониқиш, беҳад ҳаяжон билан бу ердан қайтмоқда. Уларнинг кўпчилиги қалб сўзларини музейнинг хотира дафтарига ёзиб қолдиришяпти. Қалин, қизил муқовали дафтарни кўздан кечира бошлаймиз. Турли тилларда, ёзувларда ифодаланган сўзлар ниҳоятда самимий, ҳаяжонли. Қирғизистонлик Қосимжон Толабоев бундай деб ёзибди: «Мен В. И. Ленин музейини кўриб жуда қувондим. Қувончларим қалбимга сиғмай кетяпти».

Тожикистонлик машҳур пахтакор, Ленин номли колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Аскарали Мирзаевнинг дастхатини ўқийлик: «Биз Тожикистондан Тошкент область, Янгийўл районидаги Ҳамроқул Турсунқулов номли колхозга мусофақадошлар сифатида келдик. Доҳийимиз В. И. Ленин музейининг филиалини кўрдик ва қойил қолдик. Музей материалларида партия ва халқ иродаси ўз ифодасини топибди, чексиз мамнунмиз. Ўзбек пахтакорларига самимий салом йўллаймиз ва уларга катта муваффақиятлар тилаймиз».

Озарбайжон, Қирғизистон ва Туркманистон республикаларидан келиб, В. И. Ленин музейини кўрган пахта усталари ҳам ана шундай юрак сўзларини хотира дафтарига ёзиб қолдиришибди.

Ҳар куни ўнлаб табаррук отахон ва онахонлар музейда бўлишиб, улуғ Ленинга, доно Коммунистик партиямизга беҳад миннатдорчилик изҳор этиб қайтишмоқда. Қўқон ва Марғилон шаҳарларидан келган меҳнат ветеранлари шу сўзларни ёзиб қолдиришибди: «Улуғ Ленин васиятларига содиқ бўлган биз қариялар ёшларимизни коммунистик руҳда тарбиялашга бор кучимизни сарф қиламиз».

Музейга жаҳондаги 50 дан зиёд мамлакатдан меҳмонлар келиб кетган. Жумладан, Шри Ланкадан келган бир меҳмон хотира дафтарига шу сўзларни битибди: «В. И. Ленин музейи — бу дўстлик символидир. Тошкент эса дўстлик шаҳридир. Ленинча миллий сиёсатнинг амалга ошганлиги туфайли бунга эришилганига мен астойдил ишонаман. Мен бундан 8 йил муқаддам ҳам Тошкентда бўлган эдим. Ўтган қисқа вақт мобайнида Тошкент таниб бўлмас даражада яшнаб, яшариб кетибди. Ҳа, у чиндан ҳам дўстлик, қон-қардошлик шаҳри бўлиб қолди».

Ўтган йилнинг 20 ноябрь куни музей ходимлари олти миллионинчи зиёратчини хушнудлик билан кутиб олдилар. У Тошкент область, Ўрта Чирчиқ районидаги «Партия XXII съезди» колхозининг таниқли механизатори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган механизатор Назира Ҳайитова эди.

— Бу муборак даргоҳнинг олти миллионинчи зиёратчиси бўлганим билан чексиз фахрланаман, — дейди Назира Ҳайитова. — Мен Советлар диёрида, Ленин юртида туғилганим билан бахтиман. Жонажон партиямиз ва халқимиз хизматига доимо тайёрман.

Олти миллионинчи зиёратчидан кейин бу муқаддас кошонага яна неча минглаб кишилар келиб-кетишди, уларнинг кети сира узилмайди. Одамлар бу дарсхонадан мангу баҳраманд бўлаверадилар.

У. ЮСУПОВ.

Қишлоқ хўжалик ишлари кундалиги

КЎКЛАМГА ШАЙЛАНАЙЛИК

Қишлоқ меҳнаткашларининг пахта, дон, сабзавот ва бошқа экинлардан мўл ҳосил етиштириш борасидаги ўтган йилги муваффақиятлари бу йил ҳам бултурги кўрсаткичлардан қолишмаслик, янада яхшироқ, самаралироқ, сифатлироқ ишлаш масъулиятини юклайди. Моддий-техника воситалари — қишлоқ хўжалик техникасини кўкламги дала ишларига пухта ҳозирлаш кўзланган мақсадларга эришиш йўлининг бошланишидир. Бу, куни кеча матбуотда эълон қилинган КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «1982 йилда кўкламги дала ишларига ҳозирлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан қўшимча тадбирлар тўғрисида»ги қарорида ҳам алоҳида таъкидланган. Унда жумладан: «Кўкламги экиш ишлари бошланишига қадар кечи билан икки ҳафта илгари тракторлар, тупроққа ишлов берувчи машиналар ва экиш машиналарини, бензин ташувчи автомобиллар ва бошқа транспорт воситаларини тўла шай ҳолга келтириб қўйиш мақсадида машина-трактор паркини кўкламги дала ишларига тайёрлаб қўйишни тугаллаш чоралари кўрилсин», дейилган.

Республикамиз механизаторлари кўкламги дала ишлари учун қишлоқ хўжалик техникасини ўз вақтида сифатли ҳозирлаш борасида ҳамма жойда социалистик мусобақани авж олдирянтирлар. Бу соҳада Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг ташаббускорлари бўлмиш Наманган области механизаторлари, айниқса, яхши натижаларга эришдилар. Бу областда январь ойнинг бошидаёқ тупроққа ишлов бериш ва экиш техникасининг ҳаммаси шай ҳолатга келтирилди. Задарё, Косонсой, Тўрақўрғон, Уйчи районларининг механизаторлари алоҳида ғайрат кўрсатдилар. Улар экиш машиналари ва механизмларини ремонт қилиш ишларини тўла ниҳоясига етказишиб, эндиликда экинларни парваришлайдиган ва ҳосилни йиғиштириб оладиган техникани ремонт қилишга киришдилар.

Республика механизаторлари социалистик мусобақасининг ташаббускорлари — Оққўрғон, Когон, Китоб районларининг механизаторлари ҳам ўз сўзларининг устидан чиқишмоқда. Биринчи январга қадар Оққўрғон районидаги мавжуд 620 та ҳайдов ва чопиқ тракторлари, 230 та плуг, 38 та планировщик, 328 та чигит экиш ва дон экиш сеялкаларининг ҳаммаси тайёрлов чизигига келтириб қўйилди. Техника ремонти пайтида бу районда 21 та ремонтчилар бригадаси ташкил этилди ва унга 700 дан зиёд механизатор жалб қилинди. Район машина-трактор парки кўкламги дала ишлари учун тўла тайёр ҳолда турибди. Когон ва Китоб районларининг механизаторлари ҳам қабул қилинган социалистик мажбуриятларни шараф билан бажариш учун астойдил интилмоқдалар.

Самарқанд, Тошкент ва Сурхондарё областларининг кўпгина хўжаликларида ҳам техникани ремонт қилиш ишлари уюшқоқлик билан давом этмоқда. Бу хўжаликларда трактор паркининг ишга тайёрлиги 87—89 процентни ташкил этади. Шунингдек, тракторларни ишга тайёрлаш борасида Балиқчи, Бўз, Вобкент, Свердлов, Октябрь, Бахмал, Большевик, Оқдарё, Ленин йўли, Ўрта Чирчиқ, Олтиариқ ва Риштон районларининг хўжаликлари ҳам юқори натижаларга эришмоқдалар.

Аммо техникани тайёрлаш ишларига ҳамма жойда лозим даражада эътибор берилянти, деб бўлмайди. Чунончи, ҚҚАССРнинг Тахтакўпир, Қораўзак, Нукус, Ленинобод районларида трактор парклари тайёрлиги қариб 50 процентни ташкил этади, холос. Республиканинг бошқа областларида ҳам бу борада қолоқ районлар бор. Масалан, трактор паркини тайёрлашда Комсомолобод, Боёвут, Тошлоқ, Дўстлик районлари; плугларни тайёрлашда Ленин, Қўшработ, Гурлан районлари; сеялкаларни тайёрлашда эса Навбаҳор, Марҳамат, Пастдарғом, Сариосиё ва бошқа бир қатор районлар ортда қолмоқдалар.

Тракторларнинг анчагина қисми ҳали ишга шайланмаган бўлса-да, бир қатор областларда машиналарни ремонтга олиб келиш яхши йўлга қўйилмаётир. Чунончи, Сирдарё областида 2,6 минг трактор бўлгани ҳолда ремонтга уларнинг фақат 1,3 мингтаси олиб келинган. Фарғона областида 3,2 минг трактор ремонт қилиниши даркор. Афсуски, улардан эндигина 2,2 мингтаси ремонтга олиб келинди ва атиги 1600 таси ремонт қилинди. Қорақалпоғистон АССР хўжаликларида 5,6 минг трактор ремонтталаб бўлиб ётибди. Ана шу тракторлардан 2 мингтасигина ремонтга олиб келинди ва атиги 772 таси қўлдан чиқарилди.

Тайёрланаётган техника яхши ва сифатли бўлмоги даркор. Хоразм, Фарғона ва Қашқадарё областларининг бир қатор хўжаликларида ўтказилган текширишлар пайтида техник шартларга риоя қилинмаётганлиги ва бу ремонт сифатини пасайтириб юборяётганлиги аниқланди. Хоразм областида ремонтдан чиқарилган 178 та чопиқ трактори текшириб кўрилганда, уларнинг 12 тасидан нуқсонлар топилди ва қайта ремонт қилиш учун жўнатилди. Шунингдек, бу ерда ремонт қилинган, деб ҳисобланган 18 та плуг ва 34 та чигит экиш сеялкаси қайта ремонтга жўнатилди.

Сурхондарё области хўжаликларида ремонтдан чиқарилган 56 та трактор текшириб кўрилди. Уларнинг 12 тасида жиддий нуқсонлар топилди. Фарғона области «Госсельтехнадзор» инспекторлари 2336 та тракторни текшириб, унинг 322 тасини сифатсиз ремонт қилинганлиги учун бракка чиқардилар. 1119 та чигит экиш сеялкасидан 170 тасида техникавий шартларни қўпол равишда бузиб ремонт қилинганлиги аниқланди.

Сифатсиз ремонт қилиш фактлари Навоий, Пешку районлари «Госкомсельхозтехника» бирлашмаларига қарашли устахоналарда ҳам учрамоқда.

Бухоро, Сурхондарё, Хоразм областлари ва Қорақалпоғистон АССР хўжаликларида техника ремонти учун етарли миқдорда ишчи кучи ажратилмаган. Бунинг натижасида экиш мавсуми учун зарур бўлган машиналарнинг тайёрлиги аксарият номенклатуралар бўйича ўтган йилги даражадан анча паст.

Айрим область ва районларда тракторлар ва қишлоқ хўжалик машиналарини ремонт қилиш суръатининг сустлигига баъзи қишлоқ хўжалик органлари раҳбарларининг механизаторлар ўртасидаги социалистик мусобақани яхши ташкил этишга етарли эътибор бермаётганлари ҳам сабаб бўлаётир. Ҳамма жойда ремонт ишларини авж олдириш учун қулай об-ҳаво имкониятларидан фойдаланилмоқда деб бўлмайди.

1982 йил баҳори ғоят долзарб бўлади ва механизаторлардан кўп куч-ғайрат талаб қилади. Техникани тайёрлаш борасида йўл қўйилган қолоқликни бартараф этиш учун яқин орада олдириш учун қулай об-ҳаво имкониятларидан фойдаланилмоқда деб бўлмайди.

1982 йил баҳори ғоят долзарб бўлади ва механизаторлардан кўп куч-ғайрат талаб қилади. Техникани тайёрлаш борасида йўл қўйилган қолоқликни бартараф этиш учун яқин орада олдириш учун шарт-шароитларни мустаҳкамлашдан иборатдир.

Чет эллларда

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

● БОЛГАРИЯ

СОФИЯ. (ТАСС). Стара-Загора шаҳрида Болгария фанлар академиясининг космик маркази қурилмоқда. Марказга СССР космонавт-учувчиси Ю. Гагарин номи берилади. Бу ерда Болгария — Совет космик тадқиқотлар программасига мувофиқ орбитага чиқарилган Ер сунъий йўлдошларидан олинадиган маълумотларни қабул этадиган ва анализ қиладиган радиотелеметрик станция ишлаб турибди.

Бу станция Болгария, Венгрия, ГДР, Совет Иттифоқи ва Чехословакия мутахассислари иштирокида лойиҳалаштирилди ва қурилди.

● РУМИНИЯ

БУХАРЕСТ. (ТАСС). Шу кунларда социалистик Руминияда «Қишлоқларга китоб юбориш» ойлиги ўтмоқда. Анъанага кўра китоб ойлиги ҳар йили қиш ойларида ўтказилади. Бу йил республиканинг китоб нашриётлари қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари учун хилма-хил бадиий ва илмий-оммабоп адабиётлар тайёрладилар.

Китоблар кенг тармоқли китоб магазинлари орқали тарқатилмоқда. Ҳозир қишлоқ жойлардаги китоб магазинларининг сони 3 мингтага етди. Ойлик давомида китобхонларнинг таниқли румин ёзувчилари билан учрашувлари ташкил этилади, адабий концертлар ва китоб виставкалари ўтказилади.

● ЧЕХОСЛОВАКИЯ

БРАТИСЛАВА. (ТАСС). Словакия миллий театри саҳнасида бу йил Н. В. Гоголнинг «Ревизор» спектакли саҳналаштирилди. Спектаклни Климент Готвальд номли давлат мукофотининг лауреати Милош Петор саҳнага қўйди. У кўплаб рус классик пьесаларини саҳналаштирганлиги билан томошабинларга танилган.

Томошабинлар, Братислава матбуотининг ёзишича, Словакия пойтахтининг маданий ҳаётида муҳим воқеа бўлган премьерани самимий қарши олдилар.

ПОЛЬШАДАГИ АҲВОЛ

ВАРШАВА. (ТАСС). Польша матбуот агентлигининг хабар қилишича, В. Ярузельский миллий қутқариш ҳарбий кенгашининг 13 январда мамлакатдаги энг йирик саноат корхоналарининг ишчи активлари билан бўлиб ўтган учрашуви тўғрисида ПХР Министрлар Советига ахборот берган. Ана шу учрашувда ишчилар коллективларининг вакиллари социал-иқтисодий вазиятни нормаллаштиришга доир бир қанча таклифларни олга сурдилар. В. Ярузельский Министрлар Советининг аъзоларига мазкур таклифларни кўриб чиқишни ва улар юзасидан зарур қарорлар қабул қилишни топширди.

Польша ахборот органлари ПХР сеймининг сессиясини шу йил 25—26 январь кунлари ўтказиш белгиланганлиги тўғрисида хабар қилдилар. Сессия бир қанча қонун лойиҳаларини муҳокама қилади ва парламент комиссияларининг ҳисоботларини кўриб чиқади.

Варшавада ҳукумат вакилларининг чет эл журналистлари учун матбуот конференциялари ўтказилди. Матбуот конференцияларида мамлакатда иқтисодий ва жамоат ҳаётини барқарор қилиш давом этаётганлиги таъкидлаб ўтилди. Гарчи хом ашё ва электр энергия танқислиги муносабати билан қийинчиликлар бўлсада, ишлаб чиқариш жараёнлари умуман нормал ўтмоқда. Мамлакат шахталари эришган суткалик кўмир қазиб чиқариш даражаси 1980 йилнинг августигача бўлган даражадан ошиб кетди. Шаҳарларда телефон алоқаси уланди, бир қанча олий ўқув юртларида студентлар яна машғулотларни бошлаб юбордилар, миллий радионинг иккинчи программаси эшиттиришлар бера бошлади. Бирлашган деҳқонлар партияси ва демократик партиянинг марказий органлари — «Дзенник людови» ва «Курьер польски» газеталари яна чиқарилмоқда.

Иқтисодий ислоҳот, жумладан, улгуржи ва чакана нархларни тартибга солиш Польша жамоатчилигининг диққат марказида турган масалалардан биридир. ПХР Министрлар Советининг янги нарх системаси лойиҳаси юзасидан мамлакат жамоатчилигига очиқ-хати эълон қилинди.

«Жолнеж вольности» газетаси январь ўрталарида мамлакатдаги вазиятга баҳо бериб, қуйидагиларни ёзади: «Бизнинг олдимизда мамлакатни ривожланиш йўлига қайтариш учун, халқаро майдонда обрў-эътиборни қайта тиклаш учун, барча софдил поляларнинг муносиб ҳаёт кечириши учун ҳамма сиёсий жанг фронтларида муросасиз курашнинг шошилинч ва мушкул вазифалари турибди. Бу курашда бақувват, ғоявий жаҳлашган партия зарурдир».

ПХР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари М. Раковский чет эллик журналистлар учун ўтказилган матбуот конференциясида айтдики, мамлакатда ҳарбий ҳолат жорий қилинганлиги халқ хўжалигини вайрон этаётган хатти-ҳаракатларга чек қўйди, миллионлаб кишиларнинг ҳаёти ҳимоя остига олинди, экономика олдида эса барқарорлик истиқболи очилди. Польшада кооперация алоқалари қайта тикланмоқда, корхоналарда психологик зулм тугатилди. Эндиликда ҳукуматнинг бош вазифаси барқарорлик учун шарт-шароитларни мустаҳкамлашдан иборатдир.

М. Раковский Ғарб мамлакатлари мухбирларининг саволларига жавоб қайтариб, НАТОнинг Брюссель сессияси қарорларини Польша товарагида бойкот муҳитини вужудга келтиришга, мамлакатнинг кризисдан қутулишини мушкуллаштиришга уриниш деб таъриф-лади. Биз Ғарб мамлакатларининг позицияси барқарорлашиш жараёнига ёрдам бермайди ва унинг суръатларини секинлаштиради, деб ҳисоблаймиз, деди Раковский. Зиддиятли вазият вужудга келмоқда: Бир томондан биздан барқарорлашишни талаб қилмоқдалар, иккинчи томондан эса Польшага қарши иқтисодий «чоралар»ни қўлламоқдалар, мазкур «чоралар» бундай аҳволни чўзиб юборади, холос. Жуда ғалати сиёсат. Биз Ғарб тиқиштираётган шартларни қабул қилмаймиз, деб таъкидлади М. Раковский. Бизга ким ёрдам бериб, ким тўсқинлик қилганлигини биз ҳамиша ёдда тутамиз.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

БЕРЛИН. ГДРдаги кўпгина саноат корхоналарининг коллективлари янги йилда қўлга киритган меҳнат муваффақиятлари тўғрисида хабар қилмоқдалар. Республикада етакчи бўлган Дассау вагонсозлик заводининг меҳнаткашлари маҳсулотни экспорт қилиш планини муваффақиятли равишда амалга оширмоқдалар — январь ойида СССРга 30 та рефрежератор вагон жўнатилди.

Лейпцигдаги «Лаукема» комбинати ҳам совет буюртмачиларини бажармоқда. Бу комбинат ой бошидан буён СССРга қарийб 20 та йўл-қурилиш машинаси жўнатди.

РИМ. Италия Компартияси Рим федерациясининг ташаббуси билан бу ерда ҳукуматнинг иқтисодий сиёсатига қарши норозилик митинги бўлиб ўтди.

Митингда сўзга чиққан кишилар соғлиқни сақлаш ва социал эҳтиёжлар учун харажатларни камайтириш тўғрисидаги қарорни, ҳокимиятнинг маҳаллий органларига ажратиладиган маблағларни анча қисқартириш ҳақидаги қарорни маъқуллаган ҳозирги кабинетнинг ҳатти-ҳаракатини кескин танқид қилдилар. Бундай тадбирлар, деб таъкидлашди митинг қатнашчилари, аҳолининг турмуш даражасини янада пасайтиришга олиб келади.

ТРИПОЛИ. Умумий араб халқ конгрессининг доимий секретариати араб халқларига мурожаат қилиб, уларни АҚШга қарши сиёсий, иқтисодий ва савдо бойкотини эълон қилишга даъват этди.

Регионда Америка империализми фаолиятининг активлашганлиги, Вашингтон билан Тель-Авив ўртасидаги агрессив иттифоқнинг чуқурлашганлиги, дейилади мурожаатда, араб халқлари олдига АҚШнинг душманлик сиёсатига зарба бериш учун куч-ғайратни жипслаштириш вазифасини қўймоқда.

ХУНТА БИЛАН АПОҚ-ЧАПОҚ

НЬЮ-ЙОРК. (ТАСС). Сенатдаги республикачилар кўпчилигининг бошлиғи Г. Бейкер бошчилигидаги АҚШ конгрессининг делегацияси ва вакиллар палатаси қуролли кучлар ишлари билан шуғулланувчи комиссияси раиси М. Прайс бошчилигидаги делегация январь ойининг бошларида Чилига бориб келди. Улар Пиночет билан ва Чили ҳарбий-фашист хунтасининг бошқа бошлиқлари билан ҳар томонлама музокаралар ўтказишди.

Матбуотда пайдо бўлиб қолган маълумотларга қараганда, Марказий Америкадаги аҳволга алоқадор ҳарбий масалалар, Чили қуролли кучларининг жанговарлик қобилиятини ошириш ва ҳарбий соҳадаги Америка — Чили муносабатларини мустаҳкамлаш проблемалари муҳокама қилинди. Г. Бейкер шу учрашувларни таърифлаб, музокаралар натижасида Америка — Чили муносабатларидаги мавжуд проблемаларни кўп жиҳатдан ҳал этишга муваффақ бўлганлиги айтди. Бу ердагиларнинг қайд этишларича, бу — кейинги 4 йил мобайнида мана шундай мавқедаги биринчи мулоқот бўлди. Шу йилнинг февралида АҚШ вице-президенти Буш Чилига боради, деб тахмин қилинмоқда. Шундай қилиб, АҚШ маъмуриятининг Чили хунтаси билан очиқ-ошкора ўпишиши янги кўлам ва янги миқёс касб этмоқда.

ХАБАРЛАР ОҚИМИДАН

РСДРП БУТУНРОССИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИНИНГ 70 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

ПРАГА. РСДРП Бутунроссия олтинчи (Прага) конференциясининг 70 йиллигига бағишланиб, Прагадаги В. И. Ленин музейида тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишда ЧКП Марказий Комитетининг секретари И. Поледник доклад қилди.

РСДРПнинг Прага конференцияси, деди докладчи, оппортунизмга қарши, партиянинг бирлигини ҳар томонлама мустаҳкамлаш учун принципиал ва муросасиз кураш намунаси бўлиб қолди.

Конференция РСДРПнинг революцион ишчилар ҳаракати муҳим назарий ва амалий масалаларни ҳал этишга ижодий ёндаша олиш маҳоратини намойиш қилди.

Планетамизнинг илғор кучлари бугунги кунда ҳам дунёни революцион тарзда ўзгартириш учун, тинчлик, социал тараққиёт ва демократия учун олиб бораётган курашда марксизм-ленинизм хазинасидан тажриба ўрганмоқдалар. Совет Иттифоқи ва унинг Коммунистик партияси ана шу кучларнинг таянчи бўлиб келдилар ва ҳозир ҳам шундайдир, деб таъкидлади И. Поледник.

СОВЕТ ТИНЧЛИК ТАШАББУСЛАРИГА ЮКСАК БАҲО

ЖАЗОИР. Ливан миллий ватанпарвар кучлар марказий сиёсий кенгашининг раиси Валид Жумблат Яқин Шарқ проблемасини бартараф этиш борасидаги Совет тинчлик ташаббусларига юксак баҳо берди. КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев ана шу совет тинчлик ташаббусларини олга сурганди. В. Жумблат ТАСС мухбири билан суҳбатда таъкидладики, совет таклифларида кўзда тутилганидек барча манфаатдор томонлар, шу жумладан Фаластин Озодлик ташкилоти иштирокидаги халқаро конференция Яқин Шаркда адолатли ва кенг миқёсли тинчликни ўрнатиш йўлларини қидириб топишда асосий замин бўлиб қолиши керак.

В. Жумблат агрессив Америка — Исроил стратегик иттифоқини кескин қоралаб, Тель-Авивнинг сионист ҳукмдорлари океан ортидаги АҚШ ҳомийларининг мададидан фойдаланиб, босиб олинган араб ерлари ҳисобига «Буюк Исроилни» вужудга келтиришга интилаётганликларини уқтириб ўтди.

АРАБ МАМЛАКАТЛАРИ ИТТИФОҚИ КЕНГАШИНИНГ ФАВҚУЛОДДА СЕССИЯСИ

ТУНИС. Бу ерда Ливан президенти И. Саркисининг илтимосига биноан араб мамлакатлари иттифоқи кенгашининг фавқулодда сессияси бўлиб ўтди. Сессия Ливанда тинчликни сақловчи араб мамлакатларидаги кучларининг мандатини олти ойга узайтириш тўғрисида кўпчилик овоз билан қарор қабул қилди. Араб мамлакатларидаги ўнлар ҳозирги мандатининг амал қилиш муддати 25 январда тугайди. (ТАСС).

СССР 60 ✻ ҚАРДОШЛИК МУШОИРАСИ ✻

Қардош балқар шоири Қайсин Қулиев яқинда ёзган бир мақоласида машҳур рус шоири Михаил Светловнинг

Шеърларидир менинг оллоҳим,
Мен қилурман унга илтижо...

деган сатрларини эслайди. Бу бежиз эмас. Қайсин оғанинг ўзи яратган барча шеърлари асосан табиатга, ҳаётга, инсонга йисбатан меҳрдан туғилган мана шу илтижодан иборатдир. Шоир ўз шеърларида сўз эмас, ўйлар, кечинмалар тасвирини қоғозга туширишга мойил. Қулиевни шу боисдан лирик ҳолатлар ва фалсафий мушоҳадалар шоири, дейиш мумкин. У тоғлик халқи тўғрисида ҳикоя қилаётиб, кўпинча бу ҳикояни дунёдағи барча халқлар қисматига бириктириб юборади. Унинг шеърлари турли миллат ўқувчилари томонидан бирдек севилиб ўқилишининг сабаби ана шунда.

Қайсин ҚУЛИЕВ,
Кабарда-Балқария АССР халқ шоири

ҚАСИДА

Мен олқайман ерни ҳар нафас,
Менинг учун нон-туз муқаддас.
У тинч бўлса, бахтли бўлса бас...
Мен олқайман ерни ҳар нафас!

Менга кўкни куйламоқ ҳавас.
Бўлсин, дейман, осмон беғубор.
У келмасин, дейман, кўзга тор...
Менга кўкни куйламоқ ҳавас!

Қуёш менинг қалбимга пайваст.
У борлиқнинг сўнмас чироғи.
Бўлмасин, деб диллар қоронги,
Қуёш менинг қалбимга пайваст!

Тўтиёдир ерда унган хас.
Инсон бахти — ерга тушган дон.
Бўшамасин, дейман дастурхон...
Тўтиёдир ерда унган хас!

Булоқда сув — оддий сув эмас.
Оби ҳаёт, чинакам дори.
Ерда азал сувнинг ҳумори...
Булоқда сув — оддий сув эмас!

Она кўкси — шундай бир қафас,
Типирчилар унда сайроқ қуш.
Болаликда кўрган ширин туш —
Она меҳрин унутмоқ абас!

Кўзим олам ҳуснига тўймас,
Менинг дардим — оламдаги нур.
Мен борлиққа дейман ташаккур.
Кўзим олам ҳуснига тўймас!

Ҳаёт қорсиз, ёмғирсиз бўлмас.
Мен олқайман қорли тоғ-тошни.
Мен олқайман ойдек ийлдошни.
Булар меҳри — юрагдаги сас!

Номардларга туриб қасдма-қасд,
Мен куйлейман мардликни мангу.
Жасоратни куйламоқ эзгу,
Номардларга туриб қасдма-қасд!

Муҳаббатим мудрашга қўймас.
Мен олқайман, авлодлар, Сизни.
Мен ҳаётга тутганман ўзни...
Менинг учун ҳаёт муқаддас!

БАҲОР ҚУШИҒИ

Насиб этди, кўрдим оппоқ қор —
Яна учди бамисоли пар.
Она ерни қучди беозор,
Кўкдан тушган оқ бир хушхабар.

Еру кўкда изиллаб шамол,
Тўзитмоқда наздимда қорни.
Мен ҳис этиб ўзни баркамол,
Куйлаяпман яна баҳорни...

МЕНИНГ ДОСТОНИМ

Аёл билан баҳор ёнма-ён,
Улангандек чўққига осмон.
Улардан лол бутун шоирлар,
Мен ҳам шундай. Излайман сирлар.

Сенинг чеҳранг — кўклам офтоби,
Сендан қочар кўзларнинг хоби.

Яшнагандек баҳорда олам,
Сендан яшнар менинг қалбим ҳам.
Сен суюкли менинг достоним,
Юрагдаги мовий осмоним.
Сенга бўлган ишқимдан мен маст,
Бошқа лаззат эҳтиёж эмас...

Омон МУХТОРОВ таржималари.

САДОҚАТ САТРЛАРИ

РСДРП(б)нинг 1917 йил апрель конференциясида доҳийнинг: «Биз Хива деҳқонининг Хива хони қўли остида яшашини мутлақо истамаймиз. Биз революциямизни ривожлантириб, мазлум халқларга таъсир қиламиз», деб айтган сўзлари амалда рўёбга чиқди. 1920 йилда халқ революцияси ғалаба қозониб, Хоразмда бахт тонги отди.

Хонлик истибдодидан абадий озод бўлган, янги ҳаёт қуришга киришган қадимий ўлка меҳнаткашларининг революция доҳийсига чексиз меҳр-муҳаббати унга йўлланган хатларда ёрқин акс этган. Халқ ҳокимияти ўрнатилиб, Хоразм Халқ Совет Республикаси тузилган ўша даврда В. И. Ленинга ўндан ортиқ мактуб ёзилган.

1920 йилнинг 27 апрелида Хоразм Совет Республикаси биринчи қурултойи йўллаган хатда жаҳон революцияси йўлбошчисига самимий табриклар, эзгу тилаклар изҳор қилинади, Владимир Ильич қурултойнинг фахрий раислигига сайланганлиги билдирилади. Хатнинг охирида: **«1 Май кунини Хива меҳнаткашлари биринчи марта бутун дунё пролетариати билан бирга байрам қиладилар»** деган сўзлар битилган.

1922 йил 26 июлда Совет-ларнинг бутун Хоразм учинчи қурултойидан В. И. Ленинга ёзилган хат алоҳида диққатга сазовордир. Бу пайтда доҳий бетоб эди. Хатда шундай сатрлар бор:

«Меҳнаткашлар Советлари, III Хоразм қурултойи Сиз, қадрли биродар ва устозга ўзининг чуқур муҳаббат ва ҳурмат туйғуларини йўллайди. Биз Сизнинг соғлиғингизни тезроқ тиклаб, кузатиб турибмиз ва Сизнинг тўла соғайиб кетишингизни ва сиҳат-саломат бўлишингизни чин қалбимиздан истаймиз... Шарқ халқлари фақат доҳийни — ўртоқ Ленинни танийдилар ва фақат унинг билан бирга борадилар».

Қасамёддек жаранглочи бу сўзларда хонлик зулмидан, асрий қулликдан озод бўлган халқнинг ўз йўлбошчисига қалб ташаккури, ягона тўғри йўл — Ленин йўлидан боришга қатъий азм-қарор қилганлиги ўз ифодасини топгандир.

Ильичга мактублар, меҳнаткаш оммаснинг буюк устози, дўсти ва мураббийсига, у тузган Коммунистик партияга бениҳоя миннатдорчилик, Ленин ғояларига, революция ишига садоқат руҳи билан суғорилган. Бу миннатдорчиликнинг рамзи сифатида В. И. Ленин Хоразм Халқ Республикасининг олий мукофоти — Меҳнат ордени билан тақдирланди. 1922 йилда Хоразм Халқ Совет Республикаси Марказий Ижроия Комитетидан буюк доҳийга йўлланган хатда бундай дейилганди:

«Хоразм революциясининг икки йиллигини нишонлаб биз меҳнат қаҳрамонларига беришучун Меҳнат орденн таъсис этдик. Сиз қадрли ва севимли устозимиздан Марказий Ижроия Комитетининг қарорига мувофиқ ана шу орденни олишни ва Шарқда кўп асрлик қуллиқдан озод бўлган меҳнат рамзи сифатида тақиб юришингизни сўраймиз».

Хоразм Коммунистик партияси ва комсомолининг съездларидан, камбағаллар комитети, кам ерли ва ерсиз деҳқонлар қурултойларидан В. И. Ленинга йўлланган хатларда Хоразм меҳнаткашлари доҳий кўрсатмаларини оғишмай амалга ошириш, Совет тузумини мустаҳкамлаш ва социалистик жамият қуриш учун бутун куч-ғайратларини бағишлашга тайёр эканликлари айтилган. Воҳа меҳнат аҳли бу аҳду паймонга доимо содиқ бўлиб қолди. Аму соҳилидаги Хоразм, Қорақалпоғистон АССР, Туркманистон ССР, Тошкент области меҳнаткашлари Коммунистик партия раҳбарлигида қўлга киритган улуғвор муваффақиятлар сўзимизнинг далили бўла олади.

Мамлакатимиздаги барча халқлар сингари хоразмликлар ҳам улуғ доҳий номини дилга чуқур жо қилиб, СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб нишонлаш учун катта ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар.

Ф. ЗОҲИДОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Биз Ленинни севиб ўқиймиз.

А. Тўраев фотоси.

ОБЛАСТЬ ТЕАТРЛАРИДА

ДОҲИЙ ОБРАЗИ

Максим Горький номидаги Фарғона область музикали драма ва комедия театрининг репертуари яна бир янги асар билан бойиди. Бош режиссёр Носир Отабоев раҳбарлигидаги ижодий коллектив драматург Наби Юсуфийнинг икки парда, олти кўринишли «Мухтор вакил» тарихий драмасини саҳналаштирди. Маълумки, бу асар уч йил олдин илк бор саҳнага қўйилган эди. Бу галги спектакль ўзига хос, оригинал вариантда ижро этилмоқда. Пьеса Туркистон республикасининг Москвадаги мухтор вакили Собир Юсуповнинг Владимир Ильич Ленин билан учрашув, доҳийнинг Фарғонада босмачиликка барҳам бериш юзасидан унга кўрсатган йўл-йўриқлари, маслаҳатлари, бу эзгу ҳаракатнинг амалга оширилиши ҳақида ҳикоя қилади.

В. И. Ленин ролини театрнинг истеъдодли актёри Абдусамат Абдуазимов ижро этаётир.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

СССР Олий Совети томонидан 1940 йил 4 апрелда қабул қилинган мажбурий складли страхование тўғрисидаги Қонунга биноан.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ СТРАХОВАНИЕ ОРГАНЛАРИ

Госстрах

1982 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН БОШЛАБ ГРАЖДАНЛАР ХЎЖАЛИГИДАГИ

БУЮМЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛМОҚДА

Шахсий мулк сифатида гражданларга қарашли бўлган қуйидаги нарсалар рўйхатга олиниши шарт; иморатлар, 6 ойликдан кичик бўлмаган йирик чорва моллари, 1 ёшдан 18 ёшгача бўлган отлар, қўй-қўзилар, эчкилар, туялар, 9 ойликдан кичик бўлмаган чўчқалар.

Мажбурий складли страхование бўйича тўловлар Давлат страхование инспекцияси томонидан ҳисобланиб чиқилади, сўнгра тўланиши керак бўлган сумма кўрсатилган страхование гувоҳномалари страхование қилдирувчиларга топширилади. Кўрсатилган сумма страхование қилдирувчилар томонидан Давлат страхование инспекцияси ҳисобига ўтказилиши керак.

Бу тўлов 50 процентдан, 1982 йил 1 май ва 1 сентябрдан кечиктирмай тўланиши лозим.

Страхование тўловлари қишлоқ жойлардаги гражданлар томонидан меҳнаткашлар халқ депутатлари қишлоқ Советига шаҳар жойларда эса — СССР Давлат банки муассасалари, турар жой атрофидаги омонат кассалари, Давлат страхование инспекцияси инспекторлари ва страхование агентлари орқали ўтказилади.

Қишлоқ жойларда яшовчи, худди шунингдек шаҳар жойларда яшовчи гражданлар страхование тўловларини почта орқали СССР Давлат банки муассасаларига, Давлат страхование инспекцияси ҳисобига ўтказишлари мумкин.

Белгиланган муддатларда тўланмаган страхование ҳақларни учун кечиктирилган ҳар бир кун ҳисобига 0,1 процент миқдорида пеня олинади.

ГРАЖДАНЛАР!

Мажбурий страхование бўйича ҳақларни белгиланган муддатларда тўланг, тўланмай қолган йиғиминнинг юзага келишига йўл қўйманг.

Ўзбекистон ССР Давлат страхованиеси Бош бошқармаси.

ҲУРМАТЛИ ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР!
Тошкент область Оржоникидзе районидаги
21-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти 1962 йилдан бошлаб қишлоқ хўжалигида ишлаш учун юқори малакали кадрларни тайёрлаб келади.

Малакали ишчилар тайёрлаш учун билим юртида барча шарт-шароитлар муҳайё этилган. Ўқув кабинетлари барча замонавий асбоб-ускуналар, кўргазмали қуроллар ва техникавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Таҳлаган касбингиз бўйича барча ўқув қуроллари мавжуд бўлиб, касбингизни пухта эгаллашга имкон беради. Барча ўқувчилар стипендия, уч маҳал бепул иссиқ овқат, кийим бош ва ётоқхона билан таъминланадилар.

Билим юртида бадиий ҳаваскорлик тўгараги, фото тўгарак, футбол, волейбол, баскетбол, нураш, бокс, стол тенниси мунтазам ишлаб туради. Алоҳида футбол майдони, отиш тири мавжуд.

Ўқиш давомида ўқувчилар Ватанимизнинг гўзал ва қаҳрамон шаҳарларига экскурсияларга борадилар. Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганлар олий ўқув юртларига конкурссиз кириш ҳуқуқига эга бўладилар.

Ўқиш муддати 3 ва 1 йил.

3 йиллик группаларга 8-синфни битирган ва 1 йиллик группаларга 10-синфни тугатган йигит ва қизлар имтиҳонсиз қабул қилинадилар.

Билим юртида қуйидаги касбларни эгаллашингиз мумкин: ничик ветеринар фельдшери, мева-сабзавотчилик бўйича мутахассислар, кенг ихтисосли трактор-машинистлар (шофёрлик, автослесарлик-трактор чилик гувоҳномалари ҳам берилади).

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ариза, таржимаи ҳоли, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома, турар жойидан справка, 4 дона 3х4 см. размердаги расм, ота-онасининг иш жойидан справка.

Бизнинг адрес: Тошкент область, Оржоникидзе райони, «Геофизика» поселкаси (1, 16, 24, 101-автобусларнинг «Троицкий поворот», 69, 89-автобусларнинг «1-Қорасув» бекати).

200-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

14—15 ва ундан катта ёшдаги 8—10 синф ҳажмида маълумотга эга бўлган йигит ва қизлардан
1981—82 ўқув йилига
ҚУШИМЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти «Миконд» заводида ишлаш учун қуйидаги ихтисосликлар бўйича мутахассислар тайёрлайди: токарь-универсаль, фрезерчи, асбобсоз, асбобсоз-слесарь, радио аппаратуралари ва приборлар монтажчиси, шиша ва биллур идишларни сайқалловчи, радио деталларни йиғувчи, радио деталлар контролёри, электромеханик ва радио техник приборлар ҳамда системалар монтажчиси.

Ўқиш муддати 8 синф ҳажмида маълумотлилар учун 3 йил. Ўқувчилар касб билан биргалиқда ўрта маълумот оладилар, билим юртини аъло баҳоларда тамомлаганлар ихтисосларига мос олий ўқув юртларига конкурссиз қабул қилинадилар. Ҳамма ўқувчилар озиқ-овқат ва кийим-кечак билан таъминланадилар: 10 синф ҳажмида маълумотлилар учун ўқиш муддати 6 ой. Ўқувчиларга ойига 30 сўм ҳажмида стипендия тўланади. Совет Армияси сафидан запаса бўшатилганларга база корхонаси томонидан 40 сўм қўшимча ҳақ тўланади.

Ўқувчиларга «Миконд» заводида ишлаб чиқариш практикасини ўтиш муддатида иш ҳақининг 33 проценти тўланади. Ўқиш даври меҳнат стажига қўшилади.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак: директор номига ариза, паспорт ёки туғилганлик тўғрисида гувоҳнома, маълумоти тўғрисида шаҳодатнома (асли), турар жойидан, ота-онасининг иш жойидан, медицина (286-форма) справкалари; иш ёки ўқиш жойидан характеристика, автобиография, 6 та фотосурат (3х4 см. ҳажмда).

Ҳужжатлар ҳар куни (якшанбадан ташқари) соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 106-уй. (2, 7-троллейбусларнинг «Матлубот уйи» бекати).

УЗОҚ ШАРҚ МЕҲНАТКАШЛАРИ ШАРАФИГА ЗАРБДОР ВАХТА

ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

Ушанда кеч куз эди. Қўриқ Нишон районидаги «Пахтаобод» совхозининг Ҳаким ота Усмонов бошлиқ полизчилик бригадаси далаларида қовун узилаётган кунлар. Бригада аъзоларининг қўли-қўлига тегмайди. Ҳосил ҳам чунонам бўлган эдики, узоқдан полизда қўй-қўзилар чўкиб ётгандай туюларди.

— Бу йилги ҳосилнинг охиргисини териб оляпмиз, — деди Ҳаким ота Усмонов. —Ширраси жуда ўткир, тилими тилни ёради.

Тажрибали қовунчи ўз бригадасида 28 хил қовун ва 12 хил тарвуз етиштирди. Ҳар қовунларки, донаси қучоққа сиғмайди. Ҳосилнинг кўпи Ватанимизнинг шимолига, шу жумладан, Узоқ Шарққа ҳам жўнатилди.

— Узоқ шарқликлар ҳам бизнинг ширин-шакар қовунимиздан татиб кўришсин, — деди Ҳаким ота Усмонов 20 тоннадан ортиқ сершира қовун ва тарвузни вагонларга ортиб жўнатгач...

Яқинда Ҳаким отанинг номига узоқ Владивосток шаҳридан бир мактуб келди. Ота уни ўқиб қувончи яна ҳам ортди. Унда бундай дейилган эди:

«Ширин-шакар қовунларингиз учун раҳмат. Чиндан ҳам бол билан маза талашадиган бўлибди. Шундай ширин қовун ва тарвузлар етиштирган қўлингиз сира дард кўрмасин.

Владивосток балиқчиларидан бир группаси».

Ана шундай дил сўзларини Ўзбекистон ССР халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида ҳам эштитдик. Полизчиларнинг анъанавий кўрик-конкурсида Ҳ. Усмонов етиштирган қовунларга, айниқса, юксак баҳо берилган эди. Узоқ Шарқдан келган бир группа меҳмонлар виставканинг таклиф ва мулоҳазалар дафтарига қуйидаги сўзларни ёзиб қўйишибди:

«Биз Узоқ Шарқдан Ўзбекистонга меҳмон бўлиб келиб, унинг пойтахти — Тошкент шаҳри билан яқиндан танишдик. Ўзбекистон ССР халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида бўлганимизда машҳур полизчи Ҳаким Усмонов етиштирган қовунлардан татиб кўрдик. Биз бу хил қовун ва тарвузларни Узоқ Шарқда ҳам татиган эдик. Ўлкамизни ширин-шакар қовун-тарвуз ва ҳўл мева билан таъминлаётган Ҳаким Усмонов сингари ўзбек деҳқонларига минг бора раҳмат».

Республикамиз меҳнат аҳлининг Узоқ Шарқ меҳнаткашлари билан ҳамкорлиги уларга фақат қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бериш билангина чекланмайди. Ҳозир Ўзбекистон Узоқ Шарққа кўплаб саноат маҳсулотлари ҳам жўнатмоқда. Узоқ шарқликлар эса ўз навбатида республикамизга ёғоч-тахта, целлюлоза, балиқ консервалари, нефтчилар ва газчилар учун асбоб-ускуналар жўнатишяпти. Хабаровскдаги машҳур энергетика машинасозлиги заводи маҳсулотлари, Уссурий тайгасининг мўйналари ва турли дори-дармонлар республикамиз меҳнаткашларига яхши маълум.

Совет Узоқ Шарқи эндиликда гуллаб-яшнаётган ўлкалардан бири бўлиб қолди. Бу ўлка ўзининг фойдали қазилмаларга бойлиги билан ажралиб туради. Приморье ва Хабаровск ўлкалари, Амур, Камчатка, Магадан, Сахалин областлари Россия Федерацияси экономикасида катта роль ўйнамоқда.

Узоқ Шарқ совет кишилари қалбига яна бир томондан яқин бўлиб қолдики, 1974 йилда Владивосток шаҳрида Ер юзида тинчлик ва қуролланиш пойгасига чек қўйиш мақсадида олий даражадаги Совет — Америка учрашуви бўлиб ўтди. 1978 йилда ўртоқ Л. И. Брежнев яна Узоқ Шарқда бўлиб меҳнаткашларнинг катта яратувчилик ишига юксак баҳо берди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС XXVI съездида Сибирь ва Узоқ Шарқдаги фойдали қазилмаларни тезроқ ўзлаштириш, йўллар ва трубопроводлар қурилишини тезлаштириш ҳақида алоҳида уқтирган эди. Ҳозир бу ерда ана шу вазифалар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Узоқ Шарқда янги шаҳарлар, посёлкалар, тайгаларда янги йўллар қуриляпти. Чукоткада бунёд этилаётган атом электростанцияси, мамлакатдаги дастлабки геотермаль электростанция ҳамда машҳур Байкал-Амур магистрали ана шулар жумласидандир.

Узоқ Шарқ мамлакатимизда тез суръатлар билан юксалаётган ўлкалардан бири бўлиб қолди. Бу ерда олиб борилаётган қурилишларда Ўзбекистон меҳнаткашларининг вакиллари ҳам фаол қатнашмоқдалар. Улар қардошлик анъаналарига амал қилиб, Узоқ Шарқ халқ хўжалигини ривожлантиришга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Ш. МИРҲАБИБОВ.

ҚУРИҚ ЕР САХОВАТИ

Қарши районидаги Энгельс номли совхозда 200 гектарли Янгиобод массиви ўзлаштирилди. Ихтисослаштирилган бригадалар бу ерда боғ ва токзорлар барпо этдилар. Боғларда етиштирилган мева ва узум Қарши чўлқуварларининг дастурхонини безайди.

Район чўлқуварлари шу беш йилликда боғдорчилик ва узумчиликни интенсив ривожлантириш йўлини тутяптилар. Беш йиллик охирига бориб мева ва узум бир ярим баравар кўпайтирилади.

СПОРТ

ХОККЕЙ: ОЛИЙ ЛИГАНИ КЎЗЛАБ

Биринчи лига коллективлари мамлакат чемпионати танаффусидан кейин яна майдонга тушдилар. Тошкентнинг «Бинокор» командаси хоккейчилари Тюменнинг «Рубин» командаси меҳмони бўлишади.

Олий лигага чиқиш умидида қўлларига чавгон тутган хоккейчилар мавсум бошидан бери қадрдон командалари мавқеини мустаҳкамлашга ҳаракат қилмоқдалар. Чемпионатнинг биринчи даврасида пешқадамлик қилган командалар олий лигага бериладиган йўлланмага астойдил талабгор эканликларини кўрсатдилар. Бугунги кунда олий лигага чиқиш учун мавсум охирида ўтказиладиган финал учрашувида иштирок этувчи тўрт коллектив кўзга ташланиб қолди. Жумладан, Урицкий номли спорт клуби, «Сибирь», «Салават Юлаев» ҳамда «Динамо» командалари мавқеларини мустаҳкамлаб олишди. «Металлург», «Торпедо», «Бинокор» ва «Автомобилист» командаларининг тўртинчи ўринга талабгорлик қилишяпти.

Бир неча йилдан бери ўринбосарлар сафида куч синашаётган Тошкентнинг «Бинокор» командаси эса мухлисларни мамнун этолмаяпти. Тошкентлик хоккейчилар мавсум бошида кўтаринки руҳда шайба суриб, яхши ўйин кўрсатишди. Лекин биринчи давранинг охири, ҳал қилувчи давранинг бошларида ташаббусни қўлдан бериб, мавқеларини бўшаштириб юбордилар. Ўн икки учрашув мобайнида хоккейчиларимизнинг 9 очко тўплашгани кўпчиликни ранжитди. Бундай сусткашликка сабаб нима? Балки, бу хоккейчиларнинг кетма-кет жароҳатланиб, майдонга тушолмай қолишларининг оқибатидир. Бунинг устига ҳимоячи ва ҳужумчилар звеноларининг ҳам доимий ўйинчилардан ташкил топмаган. Тўғри, ёш хоккейчилардан Каримов, Суворов, Варварин ва Сницинлар майдонда ўзларини эркин ҳис этмоқдалар. Антипов — Полушин — Копилов учлиги эса биринчи давранинг ўрталаригача яхши ўйин кўрсатди. Шундан кейин Полушин лат егач, унинг шериклари яхши ўйнай олмади. Ҳимоя ва ҳужум чизиқларидаги беқарорлик туфайли команда бир текис ўйин кўрсатолмаяпти.

«Бинокор» биринчи даврани 38 очко билан якунлади. Ваҳолонки, командамиз ўтган йили тўққиз галаба, бир дуррог ва олти учрашувда имконияти бой бериш билан бирмунча юқори кўрсаткичга эришган эди. Хоккейчиларимиз ҳозир ўтган йилгига қараганда икки поғона пастлаб кетишган. Вакилларимиз иккинчи даврада ўтказилган олти учрашув мобайнида қимматли очколарни бой беришди. Улар «Сибирь» билан сафарда, Урицкий номли спорт клуби ҳамда «Дизелист» коллективлари билан ўз майдонида баҳслашиб, атиги икки очколи бўлишди, холос. Асосий ўйинлар ҳали олдинда. Агар хоккейчиларимиз ҳужумкорликка зўр бериб, астойдил ҳаракат қилсалар, мавқеларини мустаҳкамлаб олишлари мумкин.

Ўйинлар жадвалининг бугунги кўриниши қуйидагича:

	Ю	Д	М	Т	О
Урицкий номли спорт клуби	28	3	5	164-104	59
Сибирь	29	0	7	245-102	58
Салават Юлаев	27	3	5	206-93	57
Динамо	23	7	6	162-95	53
Металлург	22	4	10	193-126	48
Торпедо	18	6	12	164-127	42
Бинокор	16	8	12	144-121	40
Автомобилист	18	4	14	164-152	40
Молот	16	3	17	177-155	35
Рубин	15	1	20	133-181	31
Дизелист	11	4	21	134-177	26
СКА (С)	9	1	25	103-183	19
Локомотив	8	2	26	104-196	18
Буран	8	1	27	114-212	17
Шахтёр	7	2	27	96-216	16
СКА (Н)	5	5	26	92-155	15

А. АЛИМОВ,
Ўзбекистон радиосининг спорт шарҳловчиси.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Концерт. 10.10 — Ҳужжатли фильм. 10.30 — Концерт. 10.55 — Горничилар, қаердасиз! 11.40 — Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси. Бадиий фильм. 7-серия. 12.50 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильм. 15.55 — Концерт. 16.25 — Шахмат мактаби. 16.55 — В. И. Ленин очеркидан парчалар. 17.55 — Орлёнок. концерт зали. 18.45 — Миллиондар ленинча университети. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Аве Соль хорининг чиқиши. 19.40 — Ленин ҳақида ҳикоялар. Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.05 — В. Маяковский. Владимир Ильич Ленин поэмасини Е. Киндинов ўқийди. 22.50 — Дукё воқеалари. 23.05 — Концерт.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.20 — Ҳужжатли фильм. 9.35 — Сиз яратган бог. 10.05 ва 12.05 — Испан тили. 10.35 ва 11.35 — Ўқув кўрсатуви. 11.05 — Н. А. Некрасов лирикаси. 12.40 ва 13.45 — Зоология. 13.05 — Н. Асеев поэзияси. 14.10 — Илмий-оммабоп фильм. 14.25 — М. Ю. Лермонтов — рассом. 15.25 — Поёнсиз кўча. Бадиий фильм. 16.50 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — Ҳужжатли фильм. 19.15 — Голиблар. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.45 — Футбол. Халқаро турнир. Динамо (М) — Динамо (Берлин). 21.30 — Время. 22.05 — Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ-I. 11.30 — Телефильм. 12.15 — Санъат гунчалари. 13.45 — Қора консулнинг ҳалокати. Бадиий фильм. 18.00 — Фильм-концерт. 18.50 — Ҳужжатли фильм. 19.00 — Биз яшаётган уй. 19.30 — Ахборот. 19.50 — Ҳужжатли кино экрани. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Ильич севган асарлар. 21.30 — Время. 22.05 — Чорвачилик — зарбдор фронт. 22.25 — Ишонч. Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ-II. 17.50 — Математика. 18.50 — Телефильм. 19.00 — Назарий механика. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Ҳужжатли фильм. 20.30 — Театр учрашувлари. 21.30 — Москва-II.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Ўзбек Давлат телевиденеси ва радиоси солистларининг концерти. 9.35 — Халқлар Ленин ҳақида куйлайди. 12.10 — Ўзбекистон ишчиси. 13.00 — «Малиш» (қозоқ тилида). 14.00 — Табаррук замин. 18.15 — Ёшлик. 19.25 — Арфа ижроси учун пьесалар. 21.00 — Халқаро мавзуларда суҳбат. 21.10 — М. Горький. «В. И. Ленин». Очерк. 21.30 — Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. 22.30 — К. Жабборов қўшиқлари. 23.15 — Дам олиш концерти.

«Силикат» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи ва бош директор Ўринбосари К. А. Алиэхонова акаси, 1930 йилдан КПСС аъзоси, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси

Асрор Асадуллаевич АЗИЗХОНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлигининг «Узмежавтодортранс» бошқармаси коллективи шаҳридаги 70-ихтисослаштирилган автонорхона бошлиғи Х. Р. Раупова отаси

Рауп ЖАББОРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Редакция адреси: 700000, Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04; редактор ўринбосарлари — 33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05; масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05; секретариат — 33-72-83, 32-53-06, 32-54-11; БЎЛИМЛАР: партия гурмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19; марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси — 32-55-70; коммунистик тарбия — 32-54-29; халқаро ҳаёт — 32-54-14; саноат, транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20, 32-54-18; фан, мактаб ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16. 32-53-20, 33-35-53, 32-54-13; иллюстрация — 32-57-22, стенографистка — 33-73-43; 32-54-05; жамоатчилик қабулхонаси — 32-54-16; вилоятлар бўлими — 33-81-42; ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20; Самарқанд — 6-48-35; Сирдарё — 2-05-27; Сурхондарё — 3-92-36; Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-84; Наманган — 6-70-78; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 2-31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94; Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р. 01736. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. А. — 17. 8